O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 17-may, shanba | № 40 (7545)

ЖАЛОЛИДДИНЛАР ЧИНИҚАДИГАН МАЙДОН

2-3-бетларга қаранг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ "УМИД НИҲОЛЛАРИ" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, сизларни, мана шу муҳташам майдонда тўпланган, қизғин беллашувларга шай бўлиб турган барча ўғил-қизларимизни бугун қадим Хоразм воҳасида бошланаётган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

"Умид ниҳоллари" деб ном олган ўқувчи ёшларни чиниқтириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимизни Ватанни ҳимоя қилишга, уни улуғлаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Эл-юртимиз бугун сизларга катта умид боғлаб, том маънодаги баркамол бўлиб етишишингиз учун барча имкониятларни яратиб, олдингизда истиқболнинг равон йўлларини очиб бермоқда.

Бугун сиз, азиз болаларимизнинг бетакрор ўқувчилик йилларингиз сермазмун ва тўлақонли бўлиб ўтиши ва ҳаётда муносиб ўрнингизни эгаллаб олишингиз учун ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз қаторида бутун халқимиз тинмай хизмат қилмоқда.

Ишончим комилки, сизлар мана шундай юксак эътиборга жавобан, халқимизнинг таянчи ва суянчи, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари бўлиб улғайишга, жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз байроғини ҳамиша баланд кўтаришга бор куч ва имкониятларингизни сафарбар этасиз.

Мен Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк баҳодирлар етишиб чиққан мана шу муқаддас заминда бўлиб ўтадиган спорт беллашувларида барчангиз ғолиблик учун ҳалол ва мардона кураш олиб борасиз, маҳорат ва қатъиятингизни намоён этасиз, деб ишонаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Шу фурсатдан фойдаланиб, қисқа муддатда замонавий ва муҳташам спорт иншоотларини бунёд этиб, сизларнинг ихтиёрингизга топширган қўли гул қурувчиларга, шу хайрли ишда қатнашган барча ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликларининг ходимлари ва раҳбарларига, бутун Хоразм аҳлига сиз, ёшларнинг номингиздан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жисмонан баркамоллик, куч ва ирода, гўзаллик ва нафосат байрами бўлган бугунги спорт ўйинларининг бошланиши билан сизларни яна бир бор қутлаб, барчангизга бўлғуси беллашувларда зафар ёр бўлишини тилайман.

Спортда ҳам, ҳаётда ҳам бахт ва омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

2003 йилнинг 15 майига ўтар кечаси қуролланган жиноятчилар гуруҳи томонидан Қирғизистон Республикаси Жалолобод шаҳри Ички ишлар бўлими ва Жалолобод вилояти Ички ишлар бошқармаси биноларига ҳужумлар уюштирилган. Бу ҳужумлар натижасида жиноятчилар катта миқдордаги ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни қўлга киритиб, яширинган.

Ушбу қуролланган жиноий гуруҳ ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг чегарадош ҳудудида вазиятни издан чиқариш хавфини туғдириши мумкин.

Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида катта миқдорда ўқотар қуролларни эгаллаб олиш билан боғлиқ содир этилган босқинчилик муносабати билан ҳамда қуролланган жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистонга суқулиб киришининг олдини олиш, чегарадош ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиларнинг эҳтимолда тутилаётган шерикларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида:

1. Махсус тезкор гуруҳ ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3. Махсус тезкор гуруҳ (Б.Матлюбов) жойларга чиққан ҳолда давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролланган жиноий гуруҳлар суқулиб киришининг олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин. Шу жумладан:

— Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегаралари муҳофазасини мустаҳкамлаш, фуқаролар, автомобил ва бошқа транспорт воситаларини ўтказиш пунктларида чегара ва божхона назоратини кучайтириш;

— жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мақсади ва моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

— чегарадош ҳудудларда паспорт режимини текшириш йўли билан профилактика ва огоҳлантириш чора-тадбирларини кучайтириш;

— босқинчилик содир этган жиноий гуруҳнинг мамлакатимиз ҳудудидаги эҳтимолда тутилаётган аъзолари ва шерикларини, шунингдек, Қирғизистон ҳудудидаги жиноий гуруҳлар билан алоқаси бўлиши мумкин бўлган бошқа шахсларни аниқлаш ва зарарсизлантиришга қаратилган тезкор-қидирув чора-тадбирларни ташкил этиш;

— ҳамкорликда жиноятчиларни зарарсизлантириш ва чегарадош ҳудудларда барқарорликни сақлаш мақсадида Қирғизистон Республикасининг тегишли хизматлари билан зарур тезкор алоқа ўрнатиш.

4. Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) билан ҳамкорликда Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудуддаги ўта муҳим ва табақалаштирилган объектларни қўриқлашнинг кучайтирилган тартибини, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар ва ҳарбий техника омборлари жойлашган ерларни қўриқлашни ва мудофаасини таъминласин.

5. Андижон (Қ.Обидов), Фарғона (А.Отабоев) ва Наманган (Т.Жабборов) вилоятлари ҳокимлари тушунтириш, профилактика ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш учун маҳалла қўмиталари, фуқароларнинг «Маҳалла посбонлари» ва «Чегара посбонлари» жамоатчилик тузилмаларининг кенг жалб этилишини таъминласин.

6. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2003 йил 15 май

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

НАЗОРАТ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛДИ — 4-бет

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ? — 5-бет

ТИЛ ЎРГАНИШГА АВВАЛО ҲОҲИШ КЕРАК — 7-бет

ФУНДАМЕНТАЛЬ ФАНЛАР ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛАЙДИ — 8-9-бетлар

БОЛАЛИГИМ ҚОЛДИ ОРТИМДА — 11-бет

— Jaloliddin Manguberdi, Pahlavon Mahmud kabi ajdodlarimizga munosib voris bo'lish har bir yoshning orzusidir.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 15 may kuni Oqsaroyda Rossiya Federatsiyasining "Andrey Pervozvanniy" jamg'armasi Vasiylar kengashi raisi Vladimir Yakunin rahbarligidagi delegatsiyani qabul qilgan chog'ida, o'z maqsadi - ma'naviy va madaniy qadriyatlarni tiklash, saqlash, boyitishni hamda inson qalbida o'z xalqining tarixi va madaniyati bilan uzviy bog'liq ma'naviy asoslarni mustahkamlashni targ'ib etish va rag'batlantirish bo'lgan ushbu jamg'arma tomonidan qayta ta'sis etilgan "Andrey Pervozvanniy" ordeni mamlakatimiz rahbariga xalqaro miqyosda shunday xayrli ishlarga katta hissa qo'shganligi uchun maxsus ta'sis etilgan "Sivilizatsiyalar muloqoti" xalqaro mukofoti tarzida berildi.

MINNATDORLIK MAKTUBI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov nomiga Yevropa Tiklanish va taraqqiyot banki prezidenti Jan Lem'er maktub yo'llab, unda YETTBning shu yil 4-5 may kunlari Toshkent-da bo'lib o'tgan o'n ikkinchi yillik majlisining muvaf-faqiyatli tashkil etilganligi, barcha ishtirokchilarning o'zbek yurtiida iliq kutib olinganligi, qolaversa mamlakatimiz rahbarining unda faol qatnashganligi, samarali faoliyat uchun, yaratilgan imkoniyatlar uchun samimiy minnatdorlik bildirib, ayniqsa majlisning o'tishiga ko'maklashgan o'zbekistonlik talaba-yoshlarning iqtidori va g'ayrat-shijoati O'zbekistonning kelajagiga ularning qanchalik hissa qo'shyotganligining namunasi ekanligini alohida ta'kidlagan.

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga ko'ra milliy sportimizni rivojlantirish, o'zbek futbolining shuhratini yuksaltirish, iqtidorli yoshlarni tarbiyalashdagi ko'p yillik samarali xizmatlari uchun hamda tug'ilgan kunining oltmish yilligi munosabati bilan Beradar Abduraimovga «O'zbekiston iftixori» faxriy unvoni berildi.

ЖАЛОЛИДДИНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айни кунларда Хоразм воҳаси байрам оғушида. Бугун бу заминда кекса-ю ёш хурсанд. Уларнинг қувончи бутун мамлакатимиз аҳли учун ҳам беқиёс

сурур ва ғурур, ишончу эътирофдир. Айниқса, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси, хусусан, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказишдаги эзгу ишларнинг бевосита ифодаси, дейиш ўринли. Шу боис ҳам бу мусобақалар эртанги кунимиз эгалари, ёруғ истиқболимиз бўлмиш ёшлар учун муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, уларнинг ҳаётида унутилмас из қолдиради. 14 май оқшомида ана шундай кўнгилларни тўлқинлантирувчи шижоат ва нафосат байрами — "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросим бошланишидан икки-уч соат олдинроқ янги таъмирдан чиққан ва гўзал кўринишга эга бўлган "Хоразм" марказий спорт мажмуаси мусобақалар иштирокчиларию томошабинлар билан тўлди. Аммо, мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг катта спорт байрами муқаддас Авесто юртида илк бора ўтказилаётганлиги боис, бу тадбирни қалбларида бир умрга муҳрлаб қўйишга интилган Хоразм халқининг ўйингоҳга ошиқишининг охири кўринмасди.

Соат 20^{00}. Ниҳоят ўйингоҳ узра таралган чорлов мусиқасидан сўнг, қўшнай навоси янгради. У аста-секин куш ва булбуллар, сув шаршараси оҳанглари, ёшлик, нафосат, гўзалликни ифодаловчи таронага уланиб кетди. Мусиқа садолари остида майдоннинг ўрта чизиғи бўйлаб турган тўрт юз нафар байроқдорлар бадиий фон бўйлаб саф тортишди. Ва фонда мамлакатимиз харитаси кўриниши акс этди. Айни шу маҳалда майдондаги жонли фон сариқ рангда эди. Бу эса "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари ўтказилаётган маскан — Хоразм вилоятининг қумлар ўртасида жойлашган воҳа эканини англатарди. Аста-секин унинг ҳар ер-ҳар ерида яшил майсалар пайдо бўла бошлади. Майдон яшил ҳамда турфа рангдаги гулзорга айланди. Сўнгра ўйингоҳга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг байроғини спорт соҳасида муваффақиятларга эришган мактаб ўқувчилари олиб киришди. Кўнгилларни аллаловчи мусиқа давом этаётган бир паллада, майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри спорти жамоалари кириб келишди.

Шундан сўнг Хоразм вилояти ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати Ислом Бобожонов "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг якунловчи республика босқичини очиқ, дея эълон қилди. — Бугун қадим Хоразм улкан воқеа, катта байрам оғушида! Ёшликнинг ғурури, нафосати, жўшқин руҳи барқ уриб турган кўҳна заминимизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган республика мактаб ўқувчиларининг спорт ўйинлари финал босқичи бошланмоқда, — деди вилоят ҳокими И.Бобожонов ўз нутқида. — Мана шундай шукуҳли дамларда бугунги тараққиётимиз, бахт-иқболимиз асосларига назар ташлагимиз келади. Беихтиёр мамлакатимиздаги жами яратувчанлик ишларининг ҳаётбахш манбаи — фарзандларимиз камоли учун кенг йўл очиб берган буюк Истиқлолимизга қайта-қайта шукроналик келтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов Президент Ислом Каримовнинг "Умид ниҳоллари — 2003" республика спорт мусобақалари қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Мамлакатимиз давлат мадҳияси ижро этилиб, байроқлар кўтарилди. Ўқувчилар қасамёд қилишди. Ҳакамлар мусобақаларни одиллик билан олиб боришга тантанали ваъда беришди. Сўнг майдонга спорт мусобақалари машъаласини кўтарган ҳолда "Умид ниҳоллари — 2002" спорт мусобақалари ғолиби, миллий кураш бўйича вилоят терма жамоаси сардори, ёшлар ўртасида 2001 йилги жаҳон чемпиони, Янгиариқ туманидаги Алишер Навоий номидаги мактабнинг 11-синф ўқувчиси Алишер Қурёзов ва шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги совриндори Моҳира Амировалар кириб келишди. Қўлларида Қуёш нуридан чўғ олган машъаласи бор бу ёшлар зиналар орқали стадиондаги бош машъала томон кўтарилишди. Ва махсус машъала ёндирилди.

Майдон узра ёқимли куй таралиб, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров, республикада хизмат кўрсатган артистлар Илҳом Фармонов ва бошқа эстрада қўшиқчилари навбатма-навбат чиқиш қилишди. Байрам дастури ажойиб мушакбозлик билан якунланди.

Қалбларга жўшқинлик бахш этувчи тантаналар, куй-қўшиқлар, чиройли чиқишлар таассуротлари ила завқу шавққа тўлиб ўтирган мухлисни суҳбатга тортдик.

ЁРҚИН ХОТРА БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Гавҳар ҲАСАНОВА, Урганч туманидаги 19-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Байрам тантаналарини ўз кўзим билан кўриш учун келдим. Спорт ва гўзаллик, дўстлик туйғуларини шакллантирувчи бу байрамга Хоразм аҳли жуда катта тайёргарлик кўрди. Бугун мана тинимсиз меҳнатлар, деярли ҳар бир хоразмлик томонидан қўшилган ҳисса байрамнинг жонли ва эсда қоларли ўтишини таъминламоқда. Ўйлайманки, ҳар бир боланинг қалбида кўрганлари ёрқин хотира бўлиб қолади. Байрамни кўриш учун келолмаган ўқувчиларимга келгуси тарбиявий соатимда "Умид ниҳоллари — 2003" мусобақаларининг моҳияти, тарбиявий-маънавий аҳамияти тўғрисида гапириб бераман.

БАЙРАМГА ЯРАШГАН ЯНГИЛИК

Халқимизда ҳар бир байрамни бирор янгилик билан кутиш анъанага айланган. 14 май — "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг дастлабки куни Урганч шаҳридаги янги Олимпия заҳиралари коллежининг очилиши билан бошланиши ҳам фикримиз далилидир.

Урганч шаҳар ҳокими Жумабой Ўтамов дастлабки сўзни Хоразм вилояти ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати Ислом Бобожоновга бергач, у қуйидагича фикр билдирди:

— Шуниси қувончлики, "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг воҳамизда ўтказилиши муносабати билан вилоятимиз қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди. Хусусан, қисқа муддатда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, янги-янги спорт кошоналари, энг замонавий услубда таъмирланган "Хоразм" спорт мажмуаси, мана шу Олимпия заҳиралари коллежи — ўзига хос спорт шаҳарчаси халқимиз куч-қудрати ва салоҳияти намунаси сифатида фарзандларимизга бебаҳо туҳфа бўлди!

Эндиликда ёшлар бу коллежда спортнинг 20 тури бўйича шуғулланиш имконига эга бўлишган бўлса, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг 4 та тури бўйича беллашувлар мазкур даргоҳда ўтказилади.

Шунингдек, И.Бобожонов мустақиллик йилларида таълим ва спортга алоҳида эътибор берилаётгани, шу мақсадда ҳар йили ўнлаб коллеж ва академик лицейлар қурилиб, фойдаланишга топширилишида қурилиш ташкилотларининг ўрни хусусида ҳам тўхталди. Сўнгра сўз "Хоразмқурилиш" ҳиссадорлик жамияти раиси Қадамбой Нунниёзовга берилди. У ўз сўзида мамлакатимизда барпо этилаётган спорт иншоотларида бугун шуғулланаётган ёш спортчининг эртага Осиё ва жаҳон ареналарида юртимиз шарафини ҳимоя қилишида қурувчилар ҳиссаси ҳам борлиги бунёдкорлар аҳли учун муваффақият саналишини таъкидлади.

— Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд каби аждодларимизга муносиб ворис бўлиш ҳар бир ёшнинг орзусидир, — дейди мазкур коллеж ўқувчиси Камол Жабборов. — Орзуга етмоқ эса ҳеч қачон осон кечмайди. Чунки бунда шартлар билан бирга шароитнинг ҳам ўрни муҳим. Бугун очилган ушбу коллеж фақат чиройи билан қолиб кетмайди, албатта. Биз, ёшлар, замонавий шароитларда спорт билан шуғулланиб, юртимиз байроғини ҳамиша баланд кўтарувчи спортчи бўлишга сўз берамиз ва шунга интилиб яшаймиз.

Шундан сўнг олимпия заҳиралари коллежи тантанали очилиш маросими лентасини фахрий спортчилар — 83 ёшли Султон бобо Абдураҳимов, 77 ёшли Фрунзе Калонов, 68 ёшли Отабой Ражабов ва 65 ёшли Қурбонбой Ражабовлар кесишди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбари Б.Убайдуллаев ва бошқалар иштирок этишди.

ЧИНИҚАДИГАН МАЙДОН

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

ДАСТЛАБКИ БЕЛЛАШУВЛАР ҲАЯЖОНИ

У кимга нима бераяпти?

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг биринчи кунида мусобақа иштирокчилари вилоятнинг олтита шаҳар ва туманида қўл тўпи, баскетбол, волейбол, футбол, теннис, стол тенниси ҳамда шахмат беллашувларини бошлаб юборишди. Урганч шаҳридаги олимпия заҳиралари спорт коллежида қизлар ўртасида бўлиб ўтган қўл тўпи мусобақасини Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси спортчилари бошлаб беришди. Ҳар иккала жамоа аъзолари биринчи бўлиб бошлаш ҳаяжони билан беллашувга киришишган бўлса-да, Тошкент вилояти жамоаси бу ҳолатни тезда бартараф этишга улгурди. Бу эса уларга қўл келди: қорақалпоғистонликлар тўпни бирин-кетин ўз тўрларидан олиб чиқишга мажбур бўлишди. Ҳисоб 27:15 бўлганида энди шимолликлар ҳам ҳаяжонини тўла босиб олгандай эди. Айни шу маҳалда заҳира ўриндиғида ўтирган Нукус шаҳридаги 31-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Илмира Худойқуловадан майдондаги вазият ва жамоадошларининг мағлубиятга учраётганининг сабабларини нималарда кўришини сўрадик.

— **Мен иккинчи марта бундай мусобақада қатнашаяпман. Мураббийимиз дастлабки ўйинда асосан биринчи марта қатнашаётганларни майдонга туширган эди. Кўриб турганингиздек, жамоадошларимни тошкентликлардан кўра биринчи учрашув ҳаяжони енгаяпти, шекилли.**

— Ғалабага умид борми?

— **Умид борку... Рақибимиз биздан анча кучли экан... Кейинги ўйинларда ютишга ҳаракат қиламиз.**

Дарҳақиқат, 32:16 ҳисобида тугаган беллашувда пойтахт вилояти вакилларининг тўлиқ устунлиги учрашув давомида кўриниб турарди.

Энди 14 ва 15 май кунлари қизлар ўртасида бўлиб ўтган қўл тўпи мусобақалари билан танишинг: 1-тур. Сурхондарё — Андижон 12:5, Самарқанд — Навоий 12:16, Сирдарё — Хоразм 11:16, Қашқадарё — Наманган 6:15, Фарғона — Жиззах 29:9.

2-тур. Жиззах — Навоий 9:26, Бухоро — Сирдарё 12:27, Тошкент шаҳри — Қашқадарё 41:10, Фарғона — Самарқанд 23:21, Тошкент вилояти — Сурхондарё 24:8, Қорақалпоғистон Республикаси — Андижон 17:18.

x x x

Урганч давлат университети спорт залида ўтказилган ўғил болалар ўртасидаги баскетбол мусобақаси ҳам кескин вазиятларга бой тарзда ўтди. Айниқса, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари баскетболчилари ўртасидаги ўйин анчагина муросасиз бўлди. Ўйин бошланишидаёқ 15:6 ҳисобида олдинга чиқиб олган фарғоналикларга алалоқибат ирода етишмади: ҳакамнинг финал ҳуштаги янграганда ҳисоб 52:65 эди.

Бошқа жамоалар кўрсаткичлари қуйидагича: 1-тур. Тошкент шаҳри — Қорақалпоғистон Республикаси 54:26, Тошкент вилояти — Қашқадарё 56—69, Наманган — Навоий 32:37, Андижон — Сурхондарё 45:21, Хоразм — Сирдарё 68:30.

2-тур. Тошкент шаҳри — Тошкент вилояти 90:41, Қашқадарё — Қорақалпоғистон Республикаси 48:36, Фарғона — Жиззах 82:51, Навоий — Бухоро 45:53, Андижон — Сирдарё 51:32, Хоразм — Сирдарё 53:27.

Маълумки, жорий йилдан бошлаб, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари таркибига бадиий гимнастика тури ҳам қўшилди. Хўш, бу ҳақда Урганчда ўтаётган мусобақа иштирокчилари нима дейди?

— Бадиий гимнастиканинг "Умид ниҳоллари" мусобақаларига қўшилгани албатта бизни хурсанд қилди, — дейди Фарғона шаҳридаги 25-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Барно Ҳайитбоева.

— Бадиий гимнастика қизлар спорти саналади. Шу боис аксар ота-оналар "бу ўзбекчиликка тўғри келмайди" дейишади...

— Тўғри, бу қизлар спорти. Лекин қайси ота-она қизининг жисмонан соғлом бўлишини истамайди? Жисмонан соғлом киши эса маънан ҳам баркамол бўлади. Ота-онам менинг бу спорт турини танлашимга қаршилик қилишмаган.

БИРИНЧИ ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кеча оқшомда Урганч шаҳрининг марказида жойлашган "Авесто" мажмуасида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг илк ғолиблари ва совриндорларини тантанали равишда тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шу куни юртимизнинг бой тарихи, куч-қудратини кўрсатувчи муқаддас "Авесто" мажмуаси байрамона безатилган бўлиб, унинг марказига мукофотлаш шоҳсупаси ўрнатилди.

Ҳар галгидек, мазкур спорт ўйинлари дастуридан ўрин олган енгил атлетикачилар биринчилардан бўлиб ўзаро баҳсларини якунлашиб, улар орасида илк ғолиблар аниқланди. Ўсмирлар ва қизлар орасида ядро улоқтириш, 1500 метрга, 110 метрга тўсиқлар оша, 100 метрга, 400 метрга югуриш, уч хатлаб сакраш бўйича энг яхши натижа кўрсатган 1-, 2-, 3-ўринлар соҳиблари диплом, олтин, кумуш ва бронза медаллари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

ИЛК МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Тантаналарга бурканган Хоразм қучоғида бўлиб ўтаётган "Умид ниҳоллари — 2003" спорт беллашувларини халқимизга кўрсатиш, спортни кенг тарғиб қилиш мақсадида 121 нафар журналистлар Урганч шаҳрига етиб келдилар. Мусобақалар бошланишидан аввал улар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев ОАВ ходимларига Хоразм воҳасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари — 2003" ўтган йили Фарғонада бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари — 2002"нинг дўстлик ва спорт байрамидан асло қолишмаган тарзда, тажриба, малакалар бойиган ҳолда ўтказилаётганини таъкидлади. Маълумки, бугунги кунда Хоразм 2114 нафар ўқувчиларни ўз бағрига олди. Ўйинлар якунида биринчиликни қўлга киритган вилоят терма жамоасига Президентимиз совғаси — "Матиз" автомобили, иккинчи ўрин соҳибига Хоразм вилоят ҳокимлигининг "Дамас" автомашинаси, учинчи ўринни эгаллаган жамоага ХТВ томонидан компьютер мажмуаси совға қилиниши билан биргаликда, бу йил якка тартибда олтин медални қўлга киритган 740 нафар ўқувчилар алоҳида қимматбаҳо мукофот билан ҳам тақдирланадилар. Бунинг учун эса жами 9,5 млн. сўмлик маблағ ажратилди. Ҳар бир иштирокчига "Умид ниҳоллари — 2003 қатнашчиси" деган сертификат берилади. Ўтган йилги мусобақалар жараёнида кўзга кўринган айрим камчиликлардан (масалан, сузиш бўйича иншоотларнинг талабга жавоб бермаслиги) хулоса чиқарилиб, эътиборга молик жиҳатлари муҳокама қилинди.

Мазкур беллашувлар боис, вилоятда қандай иншоотлар бунёд қилинди, деган саволга Хоразм вилояти ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Б.Исмоилов атрофлича жавоб берди. Хоразм спорт мажмуасининг қайта таъмирланганлиги хоразмлик спортсеварларга ажойиб туҳфа бўлди, айниқса югуриш йўлакларининг жаҳон андозаларига мос равишда бунёд этилганлиги, Хива махсус билим юрти бассейнининг қайтадан тикланиши болажонларнинг сув спортига қизиқишини ошириб, чиниқишлари борасида муҳим омил бўлади. Кечагина фойдаланишга топширилиб, байрам туҳфаси сифатида ёш авлодга ҳадя этилган Олимпия заҳиралари коллежини кўрган кишининг ҳаваси келади. Шундан сўнг, Президент девони масъул ходими М.Аҳматов мазкур спорт мусобақалари аҳамияти, эътиборга молик томонларига тўхталди.



Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонида спорт турлари бўйича ҳакамлик қилишга жалб қилинган 20 нафарга яқин бош ҳакамлар фаолияти ҳақида Бош мувофиқлаштирувчи Р.Ицков ахборот берди.

БАРЧА ХИЗМАТГА ШАЙ

Қадим Хоразмда спортчи ўқувчилар ўз иқтидорлари, жисмоний салоҳиятларини ҳар томонлама намоён этаётган бир пайтда, биз уларнинг спорт беллашувларидан бўш вақтларида нима билан машғул эканликлари, ётоқхона шароитида маънавий-маърифий ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришлари, тиббий хизматдан фойдаланиш тадбирлари нечоғли ташкил этилганлигини ўрганиш мақсадида спорт байрами қатнашчиларини ўз бағрига олган қатор олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ётоқхоналарига ташриф буюрдик.

Жумладан, Урганч қурилиш коллежи қўл тўпи, катта теннис ҳамда баскетбол (қизлар) каби спорт турлари бўйича иштирок этаётган салкам 500 нафарга яқин ўсмир ва қизлар жойлашган илм масканларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, меъморчилик фанлари номзоди Ибодулла Бойжонов раҳбарлик қилаётган коллеж жамоаси меҳмонларнинг барча хизматларига ҳозиру нозир.

Коллежнинг ётоқхона мажмуасида қатнашчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Маданий дам олиш хоналари, ошхона, тиббиёт хизмати яхши ташкиллаштирилган. Тиббиёт марказида 9 нафар шифокор ва шунча ҳамшира махсус график асосида навбатчилик қилишмоқда. Махсус "Тез ёрдам" автотранспорти кечаю кундуз хизматга шай.

Ана шундай шарт-шароитлар "Урганчтрансгаз" корхонасига қарашли "Боғи эрам" оромгоҳи, Урганч олимпия заҳиралари, қишлоқ ва сув хўжалиги коллежлари, Урганч давлат университети, Хазорасп қишлоқ хўжалик, Урганч тумани Пахтакор саноат, Хонқа маиший хизмат, Янгибозор саноат, Шовот маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари, Урганч академик лицей ётоқхоналарида ҳам муҳайё этилган.

Ётоқхоналарда ўқувчи ёшларнинг маданий ҳордиқларини ташкил этишга шаҳар ва туман ҳокимликлари маданият бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлимлари жалб қилинган.

Бундан ташқари, мусобақалар жадвалига мувофиқ бўш кунларда Урганч ва Хива шаҳарларида тарихий жойларга саёҳатлар ҳам уюштирилада.

Нурлан УСМОНОВ,
Шерали НИШОНОВ,
Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбирлари
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Ammo o'sha keksa o'qituvchi (yaratgan egam oxiratini obod qilsin!) o'g'limga sovg'a qilgan kitob — Odil Yoqubovning «Ulug'bek xazinasi» romani hamon javonimizni bezab turibdi.

Hay'at majlisida

НАЗОРАТ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Қонун асосида яшашни, ишлашни йўлга қўйиш фақат ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимларининг иши эмас, ҳар биримизнинг, айниқса раҳбарларнинг вазифаси эканлиги Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган навбатдан ташқари ҳайъат мажлисида алоҳида таъкидланди.

Унда "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2003 йил 1 майдаги 7-7/17-13-сонли Тақдимномаси ҳақида"ги масала муҳокама этилади.

Прокуратура органлари томонидан халқ таълими тизимида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ишлатилишини ҳамда жорий ва капитал таъмирлашга ажратилган маблағлар сарфланишининг қонунийлиги текшириб чиқилди. Натижалар бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш борасида қатор камчиликлар, айрим ҳолларда қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Масалан, айрим мансабдор шахсларнинг ўқитувчиларнинг иш ҳақларини бермасдан талон-тарож қилишганлиги аниқланган. Дейлик, Андижон вилояти Марҳамат тумани 4-мактаб директори О.Собиров ва бошқалар томонидан ҳужжатларни сохталаштирган ҳолда 2001 йил ноябридан 2002 йилнинг декабрь ойига қадар ўқитувчиларга берилиши лозим бўлган 3,6 млн. сўм иш ҳақи тўловлари ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинган.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани халқ таълими бўлими мудири Х.Салимбоев ва бошқалар ўқитувчиларнинг 2002 йил май ойи иш ҳақига ажратилган бюджет маблағининг 7,2 млн. сўмини ноқонуний равишда спорт тадбирлари учун ўтказиб бериш йўли билан талон-тарож қилганлар.

Навоий вилояти Нурота тумани халқ таълими бўлимига қарашли ёшларни касбга ўқитиш маркази директори Б.Шодиев 2002 йил июнь ойидан декабрга қадар ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан мактабда ишламаган 32 нафар шахслар номига 942 минг сўм иш ҳақи ёзиб, олинган пулларни ўзлаштирган.

Бухоро вилояти Пешку тумани халқ таълими бўлими хазиначиси А.Саидов акциядорлик тижорат "Пахтабанк"дан ходимларнинг иш ҳақи учун олинган 1,2 млн. сўм нақд пулларнинг 800 минг сўмини ғазнага кирим қилмасдан ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани халқ таълими бўлими мудири Н.Эшназаров ва бошқалар 2002 йил давомида малака оширишга юборилган ўқитувчиларга иш ҳақидан бўнак тариқасида нақд пул берилганлиги ҳақида қалбаки тўлов ведомостлари тузиб, 2,1 млн. сўм бюджет маблағларини ўз манфаатларига ишлатиб юборганлар. Шунингдек, банкдан 18,8 млн. сўм нақд пулни олиш ўрнига, савдо ташкилотлари ҳисоб рақамларига ўтказиб, натура шаклида иш ҳақи тўланишига йўл қўйганлар.

Шу каби қонун бузилишларига Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Жиззах вилоятлари халқ таълими бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимларида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган капитал таъмирлашга доир пудрат ишларини бажаришда смета нархларини, қурилиш-монтаж ишлари сарф-харажатларини сунъий равишда ошириш, шартнома мажбуриятларини бузиш ҳолатлари содир этилганлиги аниқланган.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва биринчи синфлар учун берилган ўқув қуролларини, мактаб фонди учун берилган дарсликларни ўзлаштириш йўллари билан талон-тарож қилинганлиги ҳам аниқланган.

Жумладан, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими хўжалик ишлари мудири Б.Бердиев 12 турдаги 97,4 минг сўмлик ўқув қуролларини ўқувчиларга тарқатмасдан ўз манфаатларига ишлатиб юборган.

Прокуратура ходимларининг текширишлари натижасида қалбаки ҳужжатлар, яъни сохта дипломлар билан айрим шахслар ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланаётганликлари ва ўқитувчиларга иш ҳақини ўз вақтида берилиши бўйича кескин чоралар кўрилмаётганлиги каби ҳолатлар ҳам аниқланган.

Текшириш жараёнида намоён бўлган қонун бузилишларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ва давлатга етказилган зарар ундирилган. Айрим қонунбузарлик ҳолатлари бўйича тергов ишлари давом этмоқда.

Шу муносабат билан қонун бузилиш ҳолатларига чек қўйиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ҳайъат мажлиси тегишли қарор қабул қилди. Ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганлиги, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назорат қилмаганликлари, ноқонуний харажатларга йўл қўйганликлари учун қатор раҳбарлар эгаллаб турган вазифаларидан озод этилдилар, баъзиларига интизомий жазо чоралари кўрилди.

Ҳайъат мажлисида Республика Бош Прокурорининг ўринбосари Пўлат Бобожонов сўзга чиқиб, йўл қўйилган қонунбузарликлар, хато ва камчиликларнинг олдини олиш бўйича ҳар бир таълим муассасаси, умуман таълим соҳаси раҳбарининг масъулияти, жавобгарлиги хусусида фикр юритди.

Ҳайъат мажлисини Халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Рисбой Жўраев бошқарди.

МУХБИРИМИЗ

Ta'kid

ЭНГ АРДОҚЛИ СОВҒА — КИТОБ

—Болангизга китоб совға қилганмисиз?

Мазкур саволга масхаромуз қайтарилган ушбу жавоб бу галги мунозарамизга сабаб бўлди:

— Қизиқсиз-да, китоб совға бўлармиди?..

Икки йилдирки, мамлакатимизда ўқув дарсликларининг ижара тизими синовдан ўтказилмоқда. Бу йил барча мактабларнинг тўққизинчи синф ўқувчиларига дарсликлар шу тизимда 2900 сўмга берилди. Шугина маблағ ҳисобига ўқув йили давомида бежирим безатилган тўққиз номдаги китобдан фойдаланиш мумкин, агар ҳар бир ота-она шу дарсликларни фарзандларига китоб дўконидан сотиб олиб берса, у 10 минг сўмдан ошиши тайин. Мен раҳбарлик қилаётган мактабнинг тўртта тўққизинчи синфида 112 нафар ўқувчи таҳсил олади. Бир куни мазкур синфларнинг раҳбарлари илтимос қилиб қолишди:

—Домла, ўзингиз аралашмасангиз бўлмайди, айрим ота-оналар ижара дарслик пулини тўлашдан бош тортишаяпти, мана, рўйхатини тузиб келдик.

—Ижара қулайликларини тушунтирмагансизларда, — дейман оғриниб.

—Тушунтирдик, бир эмас бир неча маротаба, фойдаси бўлмаяпти.

—Майли, рўйхатни қолдиринглар, ўзим гаплашиб кўраман, —тинчлантирдим синф раҳбарларини.

Рўйхатга кўз ташлайман, очиғи, тўрт-беш кам таъминланган оилаларга ҳомийлардан ёрдам сўраш керак, бироқ айримлари эса...Оила бошлиғининг оёғи остида «гижинглаган» енгил машина, ўзи, болаларининг эгнидаги кийим-бош даврага, мавсумга қараб йилига неча бор ўзгаради, арзимаган миқдордаги ижара пулини эса тўлашмаган.

Мана шундай ўзига тўқ яшаётган хонадонлардан бирининг соҳиби билан гаплашиб ўтирибман:

—Китобга пул дейсизми, нега, — гарангсиган бўлади у. —Биз ўқиган вақтда мактаб кутубхонасидан бепул бериларди-ку ёки одамларни чалғитиб бойимоқчимисизлар?

Дабдурустдан билдирилган ушбу «мулоҳаза» ғашимни келтирса-да, тишимни-тишимга босиб чидайман, ўқитувчимиз, вазифамиз — билмаганларга ижара тизими қулайликларини тушунтириш.

—Наҳотки ҳалигача дарсликлар пуллик бўлганини билмасангиз, ўтган йилларда болаларингизга китоб олиб бермаганмисиз?

— Бир-икки ғингшигандай бўлишувди, китоб ўрнига янги кийим-бош олиб бериб тинчитгандим, дарслиги бир йилдан сўнг кимга керак бўларди.

— Ўша кийим-бошлардан бирининг пулига китоб совға қилсангиз бўларди-ку?

—Қизиқсиз-да, китобдан совға бўладими?..

... Дарҳақиқат, китобдан совға бўладими? Мазкур саволга жавоб сифатида ҳаётимда содир бўлган бир воқеани мисол келтирмоқчиман: Бундан йигирма йилча муқаддам тўрт ака-ука кайвони отамизнинг таклифи билан биттадан фарзандимизнинг суннат тўйини биргаликда ўтказдик. Ўзбекчилик, бирон киши тўйхонага қуруқ қўл билан келмайди, кимдир ҳўкиз, қўйэчки етаклаган, кимдир чўнтагимга беш-ўн сўм тиқиб кетаяпти, тўёна келтирмагани қамишдан бел боғлаб хизмат қилаяпти, тўй бошлангунча эгасиники, бошлангандан сўнг элники, деб бежизга айтишмайди-да. Тунги тўй давраси айни қизиган палла уринганигина костюм-шим сирра эгнидан тушмайдиган кекса ўқитувчи сўз олди. Муаллим эмасми, ширингина тилак билдирди, сўнгра тўртала тўй болани ёнига чорлаб:

—Кам бўлса-да, кўп ўрнида кўрасизлар, болаларим, — деб ҳар бирининг қўлига ҳафсала билан ўралган қоғоз тутқазди.

Давранинг у ер, бу еридан шивир-шивир бошланди:

— Домла нима берди экан?

— Нима бўларди, китобдир-да, — шанғиллади кимдир, — мен тўй бергандаям ўғлимга китоб келтирганди қурумсоқ.

Орадан йиллар ўтди, тўёна қилинган қўй-эчкилар аллақачон кабобга айланиб кетди, пуллар сарфланди, ким нима тўёна бергани ҳам унутилди, ҳисоб. Аммо ўша кекса ўқитувчи (яратган эгам охиратини обод қилсин!) ўғлимга совға қилган китоб — Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи ҳамон жавонимизни безаб турибди.

Бу ҳаётий воқеани бежизга эсламадим, мақсадим совғалар ичида энг ардоқлиси китоб бўлганини таъкидлаш эди, холос. Дарвоқе Сизга саволим бор:

— БОЛАНГИЗГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛГАНМИСИЗ?

Абдунаби АБДИЕВ,
Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги Махтумқули номли 1-умумий ўрта таълим мактаби директори

«МАКТАБГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛАМИЗ»

Пахтаобод туманидаги 21-ихтисослашган мактаб-интернат битирувчиларининг аҳди шундай.

Мактаб — муқаддас, қутлуғ даргоҳ. Инсоннинг шаклланиши айнан ўша ердан бошланади. Ҳар бир саводи чиққан ёки оқ-қорани таниган, қалбида инсоний туйғулар мужассам бўлган киши ўзи таҳсил олган мактабидан бир умр миннатдор бўлмоғи лозим. Мазкур мактаб-интернат битирувчилари қалбида ҳам шундай туйғулар жўш уриб, хайрли қарорга келганликларига шак-шубҳа йўқ.

Хўш, бу хайрли қарор нимадан иборат бўлди?

Бу йил ушбу илм масканини 60 нафардан зиёд ўқувчилар битирмоқда. Уларнинг нияти олий ўқув юртларига кириб, етук мутахассис бўлиш. Табиийки, битирувчилар қадрдон мактаблари учун бирон эсдалик қолдиришади. Шу маънода 11"А"-синф битирувчилари бир қарорга келишди: «Ўзимиз ўқиган синфни ўз кучимиз билан таъмирлаб берамиз ва ҳар биримиз мактаб-интернат кутубхонасига биттадан бадиий китоб совға қиламиз».

— Битирувчиларимизнинг ўзлари ўқиган синф хоналарини мустақил равишда таъмирлаб бериш ҳақидаги таклифларини эшитиб, тўғриси бир оз шошиб қолдим, — дейди интернат директори Зиёвуддин Шамсутдинов. — Бир томондан жуда хурсанд бўлдим. Шу лаҳзадаёқ муаллимлар билан маслаҳатлашиб, ташаббус ҳақида ота-оналарга ҳам маълум қилдик. Хайрли таклифни ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам қизғин қўллаб-қувватлашди.

Айни пайтда битирувчилар дарслардан сўнг таъмирлаш ишларини жадал олиб бормоқдалар. Ташаббускор битирувчиларнинг асосий диққат-эътибори мактаб-интернатдаги «Математика ва информатика» ўқув хонасини сифатли, кўркам ва талаблар даражасида таъмирлашга қаратилган.

Битирувчилардан Қудрат Раҳмонов, Қобул Бакиров, Мухлиса Яминова, Умида Ҳолматова ва Мусажон Мўминовлар таъмирлаш ишларида айниқса фаол иштирок этмоқдалар. Улар ўзларининг қутлуғ ниятларини тезроқ амалга ошириш, чиройли ва бекаму кўст таъмирланган ўқув хонасини укаларига муносиб совға сифатида топширишга интилмоқдалар.

— Битирувчиларимизнинг эзгу ниятлари биз ўқитувчиларнинг ҳам қалбларини қалқитди, — дейди синф раҳбари Дилфузахон Исмоилова. Бундай ташаббус ўқувчилар ўртасида ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш билан бир қаторда мактабга муносабат, уни кўз қорачиғидай асраш каби эзгу хислатларни ҳам тарбиялайди.

Мактабга, таълимга ёрдам ҳамиша энг улуғ амаллардан, савобли юмушлардан саналган. Қутлуғ ва ибратли ташаббус билан чиққан мазкур мактаб-интернат битирувчиларга эса оқ йўл тилаймиз.

О.СИДДИҚОВ

Kichik yoshda bolalarning harakatlari 600 ga yaqin mushaklarni ishga solar ekan. Natijada bolaning ichki a'zolari yaxshi ishlab, suyaklar va mushaklar barcha hujayralar to'g'ri rivojlanishi, shu jarayonlar to'g'ri yo'lga qo'yilsa, bola durkun, sog'lom o'sar ekan.

Ota-onalar, sizlar uchun

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

1-мақола

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни истиқлол мафкураси асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборатдир. Боланинг биринчи синфга қадам қўйиши оила, ота-онанинг катта қувончидир.

Таҳририятимизга келган хатларда ота-оналар болани мактабга тайёрлаш учун асосан нималарга эътибор қилиши кераклигини сўрашган. Шу муносабат билан биз педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаеванинг кўп йиллик илмий изланишлари маҳсули бўлган хулосалари асосида ёзган туркум мақолаларини беришни лозим топдик.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг комил инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Эзгу ният инсонни улуғ ишларга бошлайди. Фарзанд тарбиясидай улуғ иш барчага насиб этиши учун астойдил ҳаракат керак. Бу тадбирлар нималардан иборат бўлмоғи лозим? Болани эътиқодли ва маърифатли қилиб тайёрлаш ишларини бола мактабга бориш арафасида эмас, балки 2-3 ёшдан бошлаш керак.

Тарих биз учун катта сабоқ вазифасини ўтайди. Бизгача яшаб ўтган машҳур зотларнинг таржимаи ҳолларига назар ташласак, улар дастлабки сабоқларни жуда ёшлигиданоқ оила муҳитида ота-оналари, энагалари ёрдамида олганларининг гувоҳи бўламиз.

Алишер Навоий ҳазратларининг ёшлик йиллари жуда мазмунли ўтган, ота-онасининг катта эътибори, ёш Алишерга 4-5 ёшданоқ ўқиш, ёзиш, ёд олишни ўргатганликлари, ундаги истеъдод куртакларини ғунча очишига кўмакчи бўлганликларини навоийшунос олимларнинг китобларидан ўқиганмиз.

Абу Али Ибн Сино, Форобий, Ал Фарғоний каби алломаларнинг ёшлик йиллари бесамар ўтмаган. Улар ҳам илк сабоқларини ота-оналаридан олганлар.

Амир Темур салтанатининг мустаҳкамлиги, саройда ўсиб-улғайган ёшларни илм-маърифатли қилиш, ҳунар ўргатиш, одоб-ахлоқ масалаларига жиддий эътибор берганлари, ўғил болаларга отда чопиш, камон отиш, қиличбозлик ёки бошқа кўпгина ҳунарларни эгаллашга эътибор билан қаралган. Ёш маликаларнинг иффатли, муомала маданиятини эгаллаш, лутф билан сўзлаш, меҳмон кутиш, пазандачилик, чеварлик малакаларини эгаллаб, шарқ аёлига хос барча сифатларга эга бўлишларига эришилган.

Қори Ниёзийнинг ёшликдаги ибратли ҳаёти, Ҳамид Олимжоннинг бувисидан эшитган эртаклари уларнинг бола тафаккурини шакллантиришдаги меҳнатлари кейинчалик Ҳ.Олимжоннинг етук шоир бўлиб, ёшлик йилларини эслаганлигини қуйидаги сатрлардан билиш мумкин:

Болалик йилларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.

Атоқли файласуфлар, педагог ва руҳшунослар боланинг тафаккур фаолиятини ривожлантириш ва тарбиялаш жараёнини беш ёшдан бошлаш яхши самара беришини илмий асослаганлар.

Руҳшуносларнинг илмий хулосаларига кўра 5-7 ёшли болаларнинг ахборотларни қабул қилиш, уларни хотирада сақлаб қолиш қобилиятлари тез суратларда ривожланар экан.

Маълумки, ҳар бир ёшга ўз даврининг психологик хусусиятларига асосланган ҳолда тарбиявий таъсир ўтказиш лозим. Болада ўз-ўзини англаш туйғуси қанча эрта уйғонса бу яхши хислатдир. У ўзининг ақлий ва жисмоний томондан ривожланиши билан бирга ўзини бошқаришни ҳам ўрганади.

Болаларни мактабга тайёрлаш жараёни айниқса, 4-6 ёшда жадал суратлар билан олиб борилиши керак. Шу ёшдаги болаларда бор бўлган лаёқатларини аниқлаш, уларни юзага чиқарувчи ва тарбияловчи амалий услубларни кенг қўллаш лозим.

Бола шахсининг ақлий билиш жараёнлари диққат, хотира, тасаввур, тафаккур, сезги, нутқ хусусиятлари, ахлоқий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи ўқув қўлланмалар ва амаллардан унумли фойдаланган ҳолда оилада, болалар боғчаларида сабоқлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида бола асабини сақлаш борасида жуда кўп маслаҳатлар берган. Унда тана аъзоларида физиологик жараёнларнинг кечиши, руҳий ҳолатларнинг ижобий ва салбий томонлари мавжудлиги, унга илиқ муносабат боланинг ўсиши, улғайишидаги оила муҳитининг нормал бўлиши ҳақида фикрлар мавжуд.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги бош масалалардан бири эса инсон шахсини тарбиялашга қаратилган. А. Жомий, Бобур, Фарғоний, Мажлисий, Машраб, Гулханий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Бедил, Завқий, Ҳамза, А.Авлонийларнинг асарларида ҳам бола фаолиятини тўғри изга солиш каби педагогик қарашлар изчил баён этилган.

Аждодларимизнинг педагогик қарашларида аввало боланинг ақлий тараққиётига эътибор қилиш, зеҳн, хотира ва қобилиятни ўзига хос сирлари мавжудлиги, уни эрта куртак отишига эришмоқ лозимлиги уқтирилган.

Кичик ёшда болаларнинг ҳаракатлари 600 га яқин мушакларни ишга солар экан. Натижада боланинг ички аъзолари яхши ишлаб, суяклар ва мушаклар барча ҳужайралар тўғри ривожланиши, шу жараёнлар тўғри йўлга қўйилса, бола дуркун, соғлом ўсар экан. Бу маълумотлар ҳар бир ота-она учун жуда муҳим бўлиб, боланинг ҳаракатларга бўлган мойиллиги қондирилиши керак. Бунинг учун кўпроқ жисмоний машқлар мажмуасини ташкил этиш фойдалидир.

Афлотун "Инсон учун биринчи бахт соғлиқ бўлса, иккинчи бахт гўзаллиқдир" деган. Болаларни ҳам соғ-саломат ва кўркам бўлиб ўсишларини таъминлашда ҳаракатли ўйин-машқлар ўтказиш фойдалидир.

Кўп ҳаракат пайтда мияга яхши фикрлар келади. Боланинг бош мия қобиғида қон яхши айланади. Ўрта ҳисобда оғирлиги бир ярим килограммга тенг бўлган бош мия тана аъзоларидаги ҳавонинг учдан бир қисмини талаб қилади. Шунча ҳавони (кислород) унга фақат ҳаракат етказиб беради. Серҳаракат бола тунда мириқиб ухлайди, тонгда енгил ва яхши кайфият билан уйғонади.

Йиллар ўтиб, фарзандингиз мактаб бўсағасига яқинлашганини ҳис этиб, қувонасиз. Энди 6 ёшли болани шахс деб аташ мумкин. Чунки бола ўзининг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракати ҳақида, қилган ишининг меъёрга мослиги ҳақида ўзига ҳисоб бера олиш қобилиятига эга бўлади. Мазкур ёшда бола маълум мезонларни билади ва ана шу мезонлар бўйича ўзига хос баҳо бера олади. Бола шахси ижтимоий шароитга қараб, у билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Бола ўз-ўзини англайди. У ўзининг қандай сифатларга эга эканлигини, унга теварак-атрофдагилар қандай муносабатда эканлигини ва бу муносабат нима сабабли рўй берганини тасаввур этади. Ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига баҳо беришда, яъни ўз ютуқ ва камчиликларини баҳолашда яққол намоён бўлади.

Болани мактабга тайёрлаш жараёнида оилада тез-тез мактаб ҳақида гап бўлиши, болада масъулият ҳиссининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Мактабга боришга бир-икки ой қолганида кун тартибини бир оз ўзгартириб, болани соат еттида туришга одатлантириш лозим. Кун тартибига эрталабки гимнастика машқлари киритилиши керак. Шундай қилинганда бола мактабга борганида, дарсда тетик ўтирадиган, вазифаларни қийналмай бажарадиган бўлади.

Болада ўқишга, ўрганишга иштиёқ уйғотиш учун мактабдаги машғулотлар ҳақида суҳбатлар уюштирилса, яна яхши. Ота-оналар бу суҳбатларда ўзларининг ёшлик йилларидаги таассуротларини синфдош дўстлари, сайр, саёҳатларга боришгани, мусобақаларда қатнашганлари ҳақида қизиқарли воқеа-ҳодисаларни гапириб берса, болада мактаб ҳаётига қизиқиш пайдо бўлади ва у тезроқ унинг қучоғига боргиси келади.

Бола мактабга борган куни унга Президентимизнинг совғалари берилишини, унда китоблар, дафтарлар ва ўқув қуроллари борлиги, уларни эҳтиёт қилиб тутиши кераклиги уқтирилади.

Республикамизда болаларни мактабгача таълим-тарбия муассасаларига жалб қилиш 18,5 фоизни ташкил қилади. Бундай шароитда мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган 81,5 фоиз болани мактабга тайёрлаш масаласи муаммодир. Болалар боғчасига қатнаган ва қатнамаган болаларнинг ривожланиш даражаси ўртасида номутаносиблик вужудга келмаслигининг олдини олиш учун оила шароитида болаларни мактабга тайёрлашга жиддий эътибор берилиши шарт..

"Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури" ишлаб чиқилган. Ота-оналар бундан бохабар бўлиб, болани ақлан, маънан ва жисмонан етуклигини таъминлашлари "Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари"ни бажаришга масъул эканликларини унутмасликлари керак.

Болаларни мактабга тайёрлаш ишларини қуруқ панд-насиҳатлар билан амалга ошириш мушкул. Унинг қўлига, рангли, расмли китоблар тутқазиш, ундан баҳра олиши, расмларни томоша қилиб қувониши, кўрганларини гапириб беришларини ташкил этиш учун қўлланмалардан фойдаланишларини тавсия этардик.

Қ.АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор

Sinab ko'ring

СИНФ ОТА-ОНАЛАР МАЖЛИСИ

у қандай ташкил қилинади?

Ҳар ўқув йили давомида мактабда уч-тўрт марта синф ота-оналар мажлисини ўтказиш одат тусига кирган. Бироқ у ҳамма жойда ҳам намунали ташкил қилинади, деб бўлмайди. Хўш, аслида бундай мажлисни қандай ўтказиш керак? Бунинг учун биринчи навбатда синф раҳбарининг бош қотиришига тўғри келади. Ўқув ишларида янги педагогик технология кенг жорий қилинаётган бир пайтда бу шундай ташкил қилиниши лозимки, ота-оналар қўлларига «Таклифнома» қоғозини олар экан, беэътибор тарзда «яна ўша эски гапда» демасин. Аксинча, хурсандчилик билан қабул қилиб, ота-оналар мажлисига тезроқ қатнашиш иштиёқи пайдо бўлсин. Бунинг учун эса синф раҳбари синфда олиб борилаётган ишлар, муаммолар, келгуси режалар, оилада бола тарбияси ҳақида бой маънавий меросимиздан фойдаланган ҳолда, чунончи, ибратли ҳикоятлар, ҳикматли сўзлар асосида пухта тайёрланиши лозим. Токи фарзандларининг устози айтган маъноли сўзлар ота-оналар қулоқлари остида жаранглаб турсин. Улар фарзандларига устозлари ҳақида тилидан бол томиб гапирсинлар. Мажлисга намунали ота-оналар, яқин орада яшовчи ижодкорлар ёки маҳалладаги обрўли кексаларнинг махсус тайёргарлик билан келишини ҳам ташкил қилиш мумкин. Айниқса, қобилиятли ўқувчилар билан тайёрланган турли муаммолар кўтарилган, баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган саҳна кўринишларини ташкил қилиш мажлисга ўзгача тус киритади.

Яқинда биз навбатдаги синф ота-оналар мажлисини ўтказдик. Ўқувчиларим мазкур тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Уларнинг ҳаяжон билан завқ-шавққа тўлиб тайёргарлик кўраётганликларини кўрсангиз эди. Ахир, улар ота-оналарига пешвоз чиқадиларда! Ўқувчиларнинг айтган шеър ва қўшиқлари, рақслари ота-оналарни ҳам беҳад хушнуд этди. Саҳна кўринишларига алоҳида эътибор бериб, оилада бўлиши мумкин бўлган баъзи бир муаммоларни ёритишни мақсад қилиб қўйгандик. Ўқувчилар ҳам ролларни қойиллатиб ижро этдилар. Мана ўша саҳна кўринишининг матни:

САҲНА: Она уй юмушлари билан машғул эди. Шу пайт ўғли Шуҳрат уйга хурсанд бўлиб кириб келди.

— Ойижон, бугун мени синфимиз деворий газетасига муҳаррир қилиб сайлашди.

—Ҳа, нима бўлибди, сайлашса?

—Ҳеч нима бўлмайди, сайлашди-да...

—Ҳа, шундоқ деб билгин, керакмас нарсаларга бошингни қотириб юрма. Ўқишингни бил. Қараб тур, агар баҳоларинг пасайиб кетгудай бўлса, мактабга бориб тоза тўполон қиламан-а...

Бир куни Шуҳрат ва бошқа таҳририят аъзолари синф деворий газетасининг навбатдаги сонини мактабда чиқаришга улгуриша олмай Шуҳратларникида тайёрлашмоқчи бўлишди...

Болаларни кўриши биланоқ онанинг авзойи бузилди:

—Уйларни эндигина, не-не ҳасратда йиғиштирдим. Яна ҳамма ёқни ивирситишга қўймайман... Ким айтди сизларга вақтида қилмагин деб. Энди жазоингларни тортинглар...

Шуҳрат онасининг қилмишидан уялиб, ялинишга тушди:

— Ойижон, жуда зарур-да. Тушунинг, ифлос қилмаймиз, кейин ўзимиз йиғиштириб қўямиз.

Болалар нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолишади. Шунда бир бола:

— Қани, бизникига кетдик, болалар. Фақат кўпчиликмиз-да, майли бари бир ойим газета тайёрлашимизга жой топиб берадилар, — деди.

Болалар саҳнадан чиқиб кетадилар.

Бу саҳна кўринишини намойиш этишдан мақсад ота-оналарнинг руҳига таъсир кўрсатиш эди. Халқимизда «Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деган нақл бор. Мана, масалан, «Фармонбиби аразлади» спектаклидаги Фармонбибини эслайлик. У ўз қиёфасини саҳнада кўргач, ўша заҳотиёқ ўзининг барча «нуқсон»ларига чек қўймаганмиди?

Хуллас, саҳна кўринишлари ота-оналарни бефарқ қолдирмади. Улар қизғин мунозарага киришиб кетдилар. Шу баҳона бошқа муаммолар ҳам очилиб кетди. Зеро, бизнинг мақсадимиз ҳам шу эди. Модомики, «Ота-оналар мажлиси» экан, фақат ўқитувчи гапиравермасдан ота-оналар ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашсин-да! Чунки, ота-оналарнинг ҳар қандай фикри синф раҳбарининг келгуси ишларини режалаштиришида асқотиши мумкин. Демак, ота-оналар билан қандай бўлмасин тил топишиш ғоят зарурдир. Ота-оналар ҳаёти мазмуни бўлган фарзандларининг ўқиши ҳақида ҳамиша қайғуриши, мактабдаги ўқитувчилар билан алоқа боғлаш учун интилиши мактабда таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишнинг бош омили ҳисобланади.

Араббой НИЗОМИДДИН ўғли,
Хўжаобод туманидаги 3-мактабнинг тил ва адабиёт фани ўқитувчиси

O'quvchining bilim va ko'nikmalari o'zgarishini muntazam kuzatib, ota-onalariga xulosasini bayon qilib borish, o'quvchini vaqtida rag'batlantirishga erishish yaxshi natija beradi.

Maxsus ta'lim

УЛАРГА КЎМАКЛАШАЙЛИК

жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга якка тартибда таълим бериш хусусида

"Соғлом авлод" давлат дастурини бажаришга оид ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлисида Президентимиз Ислом Каримов асосан унинг ижроси билан боғлиқ олти жиҳатга эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлаганди.

Ушбу мақолада биз аҳамият берадиган олтинчи жиҳат — жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш масаласидир.

Зеро, ногирон, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълимга тортилмай билим олиш, ҳунар ўрганиш каби имкониятлардан фойдалана олмай қолаётгани сир эмас.

Туманимиз халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбарлари ва мактабимиз амалиётчи-психологи Ф.Абдураззоқованинг амалий ёрдамлари туфайли қишлоғимиз ҳудудида мактаб ва ундан катта ёшдаги ногирон ўқувчилар оилалари билан суҳбатлар ўтказилди. Уларни юқорида таъкидланган дастур мазмуни ва ҳукуматимиз қарорлари билан таништирдик. Ва ўз фарзандларининг келажаги, мустақил ҳаётга тайёрланиб боришлари, бирор касб уларнинг зиммасида бўлишида асосий масъулият уларнинг зиммасида эканлигини тушунтирдик. Уларга йўл-йўриқ ва тавсиялар бердик.

Мен икки йилдирки, юрак хасталиги бўйича II гуруҳ ногирони Маннопов Иззатбекни хонадонида якка тартибда ўқитаман. Қилинган ишлар ва орттирилган тажрибалар асосида бундай таълим бериш усули қўлланилганда қуйидаги масалаларга эътибор берилишини англадим.

Биринчидан, ўқувчининг касаллик варақаси ва ўқиш учун тайёргарлигини аниқлаш, врач тавсияси ва ташхис марказининг хулосасига асосланиб, ўқитишни ташкил қилиш лозим. Бунда махсус соғломлаштириш мактаб-интернатларида ўқиши керак бўлган болалар таълим-тарбиясини зиммамизга олиб, болани ҳам, ўзимизни ҳам қийнаб қўймаслигимиз керак бўлади.

Иккинчидан, якка тартибда ўқитиш учун ўша оилада шароит яратишга тўғри келади. **Учинчидан,** ўқитиш учун кўп йиллик тажрибага эга бўлган, фарзанд тарбияси билан шуғулланган, тажрибали ўқитувчини танлаш лозим. Чунки бундай болаларнинг психологик характерини тушуна билиши, боланинг ҳолатига яраша муносабатда бўла олиши керак. Ўқувчисини ўз фарзандидек кўриши ва айрим ҳолларда жирканмай, кўнглини очиқ қилиб муомилада бўлиши, айниқса, қандай кайфиятда бўлишидан қатъий назар, ўқувчисининг олдига келганда хушчақчақлик, хушмуомилалик билан мулоқотда бўла олишга эришиш муҳим роль ўйнайди. Бизнинг озгина қовоқ солишимиз-у ёки қўпол муомаламиз устози келишини интизорлик билан кутиб турган ўқувчи соғлигига салбий таъсир этиши мумкин. Айниқса, юрак хасталиги билан касалланган ўқувчиларга дарс беришда ўқитувчи дарсларни ҳазил мутоиба, эртак ва қизиқарли воқеаларга боғлаб ўтиши ва албатта, ўқувчининг кўнглини кўтариб, ҳаётга бўлган муҳаббатини орттиришга эришиши жоиз. Унинг албатта соғайиб, бирор касб эгаллаб, ватанимиз учун хизмат қилишини тушунтириб бориш керак. **Тўртинчидан**, бундай ўқувчиларга ҳам таълим-тарбия умумтаълим мактаблари дастурлари асосида олиб борилади. Йиллик дастур бажарилиши шарт. Якка тартибда ўқитишда дарс соатлари оз бўлганлиги учун ўқитувчи ўқув режасини ўқувчининг жисмоний-руҳий ҳолатини ҳисобга олиб, дастурдан чиқмаган ҳолда тузиши керак. Агар режани бажаришга вақт етмай қолиши сезилса, ўқиш ва мустаҳкамлаш соатларини қисқартириб ўтиш керак. Дарсларда кўргазмали қуроллар ва тарқатмали материаллардан кўпроқ фойдаланган маъқул. **Бешинчидан**, ўқувчининг билим ва кўникмалари ўзгаришини мунтазам кузатиб, ота-оналарига хулосасини баён қилиб бориш, ўқувчини вақтида рағбатлантиришга эришиш яхши натижа беради.

Олтинчидан, биз учун энг зарури, ўқувчининг соғлигидаги кунлик ўзгаришни, агар юрак хасталиги ва руҳий касаллик билан оғриган бўлса ҳар дарсда ўқувчи жисмида, сўзлаши-ю ўзини тутишида бўлаётган ўзгаришни сеза билиш ва керак бўлса, биринчи тиббий ёрдамни кўрсата олишга тайёр бўлиш керак. Ота-оналар ва тиббий ходимларни тез-тез дарсларга таклиф этишимиз, улардан тегишли маслаҳат ва таклифларни олиб, дарсларга тадбиқ қилиш керак. Еттинчидан, дарсларни ташкил қилишни, ўқув тарбия ишлари қандайлигини мавжуд шароитни ХТБ ва мактаб раҳбарлари мунтазам кузатиб туриши ва амалий ёрдам беришига эришиш, керак бўлса, ўқувчини ва ўқитувчини рағбатлантириш максадга мувофиқ бўлади.

Мактабимиз ҳудудида яшаётган беш ўқувчи хонадонида шундай якка тартибда ўқитиш ташкил қилинган. Улар учун тажрибали ўқитувчилар дарсларни намунали ташкил қилмоқда. Бу ишларимиздан ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналари жуда миннатдор бўлмоқдалар.Фарзандлари учун яна ҳам яхшироқ шароитлар яратмоқдалар.

Хулоса шуки, инсон дунёга бир маротаба келади. Қандай ҳолатда бўлса ҳам яхши яшашни, билим олишни ва тенгдошлари каби ҳаёт кечиришни истайди. Юқорида айтганимиздек бундай тиббий хасталикка дучор бўлган ўқувчилар ҳаётда ўз ожизликларини сезмаслиги бошқалардан ўзларини кам деб ҳис қилмасликларини таъминлаш, улар ҳам билим олиб, ҳунар ўрганиб, юртимиз учун хизмат қила оладиган ва ўз ҳаёт йўлларини ўзлари бошқариб кета оладиган бўлишига ёрдам беришимиз керак. Уларнинг ичидан ҳам буюк инсонлар — юртимиз, халқимиз учун керакли бўлган шоирлар, врачлар, олимлар ва бошқа касб эгалари чиқишига мурғак қалбларида ишонч уйғотишга ёрдам беришимиз керак.

Садбарали БЕГМИРЗАЕВ,
Балиқчи туманидаги 7-мактаб олий тоифали бошланғич синфлар ўқитувчиси

Tanlov

КИМ ЯХШИ КИТОБХОН?

Китоб — билим манбаи. Шундай экан, китоб ўқиш маданиятини эгаллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадларни амалга ошириш учун умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида китобсеварлар вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Вилоят халқ таълим бошқармаси ва вилоят кутубхонаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда иштирокчилар 2 та шарт асосида беллашдилар.

Танловда Пахтакор туманидаги 14-мактабнинг "Тафаккур" гуруҳи 1-ўринни қўлга киритди. 2 ва 3-ўрин Ғаллаорол туманидаги "Камалак" ва Жиззах туманидаги 19-мактабнинг "Маърифат" гуруҳига берилди. Ғолиб гурҳларга ВХТБ дипломи ва эсдалик совғалари топширилди. Мазкур танлов вилоятда энг яхши китобхонни аниқлашда ўзига хос маърифат кўригига айланди.

А.СОДИҚОВ

ТАДБИРКОР МАКТАБ ҚУРДИ

Фарзандлари билимли бўлишини хоҳлаган юрт уларнинг тўлақонли билим олишлари учун зарур шарт-шароитларни муҳайё қилишлари лозим.

Ана шу масъулиятни чуқур англаб етган хусусий тадбиркор Раҳматжон Эркабоев Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги 14-мактабга қўшимча равишда 65 млн. сўмлик 360 ўринли замонавий 10 та синфхона ва 1 та ўқитувчилар хонасидан иборат бошланғич синф мактаби қуриб фойдаланишга топширди.

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

Тошкент шаҳар қўшимча таълим мажмуаси куни кеча "Қалбимни болаларга бахшида этаман" шиори остида "Етакчи — 2003" шаҳар етакчиларининг касб маҳорати танловини ўтказди. Унда пойтахтимиздаги 10 та туманда ғолиб чиққан етакчилар иштирок этди.

ЕТАКЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шаҳар кўрик-танловида етакчилар ўз касбий маҳоратларини бир неча шартлар орқали намойиш этишди.

Жумладан, "Ўз-ўзини таништириш", "Залдагилар билан ўйинлар ўтказиш", "Етакчи педагог", "Менинг тарбиячилик дастурим" каби шартларни яхши бажарган Юнусобод туманидан етакчи Татьяна Улеева биринчи, Сирғали туманидан етакчи Шаҳноза Тошпўлатова иккинчи, Ҳамза туманидан етакчи Наима Бухорова учинчи ўринни эгаллашди.

Санжар ТУРСУНХЎЖАЕВ

Bugun biron chet tili va kompyuterni bilmasangiz, kadrlar orasida raqobatga bardosh bera olishingizni tasavvur qilish qiyin.

Аббос ИРИСҚУЛОВ: ТИЛ ЎРГАНИШГА АВВАЛО ХОҲИШ КЕРАК

Бугунги меҳмонимиз — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қуйи инглиз филологияси факультети декани, ЎзДЖТУ қошидаги Тил маркази директори, Республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси Президенти, таниқли таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Аббос Ирисқулов. У билан суҳбатимиз сизни қизиқтирган саволларга жавоб беради деб, ўйлаймиз.

— Биринчи муаллимингиз ким эди?

— Ўзи мен иккита мактабда ўқиганман, десам ҳам бўлади. Бири — Глиер номидаги 11 йиллик махсус мусиқа мактаби, яна бири — Тошкент шаҳридаги 8-ўрта умумтаълим мактаби. Ярим кун умумтаълим мактабида, ярим кун мусиқа мактабида таҳсил олганман.

Мактаб тўғрисида гапирадиган бўлсам, ҳамма вақт Ҳабибулла ака Муҳаммадалиев деган домламизни (у киши ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берардилар) ҳурмат билан тилга оламан.

Мусиқа мактабида бўлса, асосан иккита ўқитувчини ўзимнинг устозларим деб биламан — пианинодан дарс берган Анна Ивановна ҳамда рубобдан дарс берган Катерина Петросян.

... Мусиқа мактабини тугатганимиздан сўнг мен билан бирга битирган 10 нафар боланинг ҳаммаси консерваторияга ўқишга кирди, мен эса чет тиллар институтига кирганман. Чунки чет тилларига қизиқиш менда мактабда ўқиб юрган пайтимда туғилган эди.

Институтда Мирза Қосимов, Жамолиддин Бўронов каби устозлар инглиз тилини яхшилаб ўрганишимда катта роль ўйнаганлар.

Омадим бор экан, инглиз тилини яхшилаб ўргандим ва институтни тугатишим билан мени Ҳиндистонга ишга юборишди...

— Мусиқа билан тил ўрганиш ўртасида боғлиқлик борми?

— Адабиёт, шеърият билан мусиқа орасида боғлиқлик кўраман.

1968 йили Ўзбекистонда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси бўлди. Шунда таржимонлар рўйхатини кўришганда, ўша рўйхатда ўзбек бўлмаган. Рўйхат қайтариб юборилган, кейинчалик рўйхатга 2-3 нафар ўзбек таржимонларини ҳам киритганлар. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Биринчи курсни битирибоқ таржимонлик қилганман.

Саволингизни инглиз тили билан боғлаётганимнинг сабаби шуки, чет тилини ўрганаман, таржимон бўламан деган одамнинг биринчи навбатда қулоғи жуда зўр бўлиши керак.Кимнинг қулоғи яхши эшитса, мусиқани ҳам илиб олиш осон, иккинчидан, чет тилидаги ҳамма оҳанг, талаффузларни илғаб олишга қулай. Институтда инглиз тилини яхшилаб ўрганишимга асосий сабаблардан бири, мусиқа мактабида ўқиганим бўлди.

— Тил ўрганиш одамни ўзгартирадими?

— Нечта тил билсанг, шунча дунёни биласан дейишади. Замонавий тилшунослик ҳам шунақа. Умуман, чет тилини ўрганган кишининг дунёқараши бошқача бўлади. Тил ўрганиш атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри англашга ҳам ёрдам беради. Инсонлар билан мулоқотда ҳам уларни яхши тушунишга кўмаклашади.

— Адабиётчи тилшунос, тилчи адабиётшунос бўлиши лозим. Сиз бир қанча асарларни чет тилига таржима қилгансиз. Нега таржима учун айнан ушбу китобларни танлагансиз?

— Таржима қилганларим 10 тача китоб бўлди. Барчаси ЮНЕСКО ҳомийлигида 11 йиллик мустақиллик одимлари, Ўзбекистон тарихи, қадриятлари, анъаналари, археология, этнография, санъат, тараққиёт босқичлари, иқтисоди, саноати, умуман, мамлакатимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар. Маза қилиб таржима қилдим. Тарихимизнинг очилмаган қирралари, мустақиллик туфайли айтиш мумкин бўлган гаплар, фикрлар акс этган бу китоблардан жуда кўп билмаган нарсаларимни билиб олдим.

— Республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз?..

— 1996 йили республикамизда, умуман, Марказий Осиё республикалари ичида илк бор инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси ташкил қилинди. Ассоциациянинг биринчи Президенти Жамила Ғуломова эди. Ҳозиргача, афсуски, бошқа тиллар ўқитувчилари ассоциациялари тузилгани йўқ. Шарқ тиллари, немис, француз, умуман, чет тилларини яхши ўрганиш, ўргатиш учун шундай ассоциациялар бўлиши зарур. Сабаби, илгари чет тилларининг асосан, грамматикаси ўргатилар, талабаларнинг оғзаки нутқларини ривожлантиришга ҳеч ким аҳамият бермас эди, чунки бу керак ҳам эмасди. У пайти тилни ўргансангиз нима қилардингиз? Чет элликлар билан гаплашишга қўйишмаса, четга чиқаришмаса, шу сабабли танланган метод ҳам шунга боғлиқ эди — мактабда дарс бериш учунгина мутахассислар тайёрланарди. Ҳозирги кунда, чет тили, жумладан, инглиз тилига ёндошиш умуман ўзгарди. Бугун бирон чет тили ва компьютерни билмасангиз, кадрлар орасида рақобатга бардош бера олишингизни тасаввур қилиш қийин. Бу энди биз ўқитувчилар, жумладан, ҳар йили минг нафар атрофида чет тиллари мутахассислари етиштириб берадиган ушбу соҳанинг етакчи олий ўқув юрти — Жаҳон тиллари университети олдига катта масъулият юклайди. Бугун бутун дунёда, жаҳон амалиётида синовдан ўтган интерактив, коммуникатив жадал метод деган гап бор. Шуни қўллаш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Президентимиз чиқишларида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам бу борада бир қанча муҳим, аҳамиятли фикрлар билдирилган. Шулардан бири — ўзбек тилига асосланиб чет тилини ўргатиш масаласи. Шунингдек, интерактив методларни қўллаш, адабиётларни яратиш. Бу борада ЎзДЖТУ етакчи бўлиши шарт эди ва шундай ҳам бўлмоқда. Ассоциациямизга юклатилган асосий вазифалардан бири — хорижий мамлакатлардаги университет, худди шундай ассоциациялар билан алоқаларни йўлга қўйиш. Улардаги янгиликлар — интерактив, коммуникатив методларни ўзлаштириб, тарғиб ва татбиқ қилиш. Ҳар жума куни Тошкент шаҳри инглиз тили ўқитувчилари учун семинар ўтказаяпмиз. Унда хорижий мутахассислар иштирок этишади. Саккизта вилоятда ассоциациянинг бўлимлари фаолият юритиб, муаллимларимизга методик ёрдам кўрсатмоқда.

Республика инглиз тили ўқитувчиларининг танловини ўтказмоқдамиз. Буларнинг бари — Республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси фаолиятининг етакчи қирралари.

— Кўплаб чет давлатларда бўлгансиз. Эсда қолган жиҳатларини қандай таърифлайсиз?

— Боя айтиб ўтдим, институтни битиришим билан Ўзбекистондан биринчи бўлиб хорижга ишга жўнатилганман. Бунгача барча таржимонлар Москва, Ленинграддан жалб қилинарди. Мени Ҳиндистонга, Мадорас шаҳрига юборишди. У ерда 2 йил таржимонлик қилдим. Биламизки, у ерга Бобурнинг қадами теккан. Агар Шимолий Ҳиндистонда бўлаётган тўйларни қарасангиз, Ўзбекистонда бўладиган тўйларнинг худди ўзи. (Никоҳ тўйини айтяпман). Удумлар, ўйин-кулгулари бизникига ўхшаш. Ўша мен борган пайтдаям шунақа эди, мана яқинда, 4-5 йил бўлиб қолди, Дехлига борганимда яна шу манзаранинг гувоҳи бўлдим.

Шимолий Ҳиндистонда боғлар кўп. Полиз экинларини ҳам экишади. Эшитдимки, ўша боғлардаги олма, анорларни у ерга Бобур олиб борган экан. Буни ўша ёқда эшитган эдим. Бу ердаям эшитдим, ростдан ҳам шунақа экан. Булар бари қизиқ-да. Бир эр-хотин инглизлар бор. Бобурнинг Ҳиндистонни қандай забт этгани ҳақида ёзишиб, ҳали мен айтиб ўтган жиҳатларини ҳам ёритишган. Мен шуни таржима қилганман. "Ёшлик" журналида 1988 йили чиққан. Ҳаммасини таржима қилган эдим, лекин, совет ҳукуматига тўғри келмайдиган жойларини кесиб-кесиб, 2 бетми, 3 бетми қилиб босишган.

—Тилни ўрганишнинг энг мақбул йўли қандай?

— Биринчи навбатда хоҳиш бўлиши керак. Иккинчидан, ўргатувчи, яъни, ўқитувчи яхши бўлиши лозим. Хоҳиш бўлса, ўқитувчи бўлса — ўрганиш осон. Марказимизда 3 ойлик, 5 ойлик, 10 ойлик тил ўрганиш курсларимиз бор. Баъзида тил ўрганувчилар 3 ойда чет тилида яхши гапирадиган бўлиб чиқиб кетади. Марказимизни ҳар йили 1300-1400 киши битириб чиқади. Баъзиларини 10 ой ўқитамиз, чет тилида гапиролмасдан, яъни, яхши ўрганолмасдан чиқиб кетишади. Ваҳоланки, бизда тил ўрганишга барча шароитлар бор. Аудио ва видео аппаратларимиз, материалларимиз етарли. Лекин гапиролмай чиқиб кетадиганлар мажбурий келишадими, билмадим. Курсларимиз энг арзон. Ҳафтасига 16 соат. 4 марта 4 соатдан келишади. Тахминан университетдай. У ерда қанча ўргатишса биздаям шу билимни беришади.

Тил ўрганувчига айтар сўзим: тил ўрганмоқчи бўлсанг, аввало хоҳишинг бўлсин. Кейин яхши бир устоз топ.

— Сўз мулкида саёҳат қилаётган бир мутахассис сифатида бугунги ОАВдаги сўз сарфи ҳақида қандай фикрдасиз?

— Саволингиз қизиқ. Ўйлантирадиган савол-да бу. Газета журналларни ўқисангиз, чет тилларидан ўзлашган сўз ва иборалар кўп ишлатилади. Бу, менимча, бугунги халқ тилига яқин. Энди, баъзи газета-журналлар бор, эсингизда борми, 4-5 йил олдин туппа-тузук "факультет" деган сўзимизни "куллиёт" деб қўллашди. "Республика"ни "жумҳурият" дейишди. Лекин бу сингмади бизларга. Тилнинг ривожланишининг ички қонун-қоидаси бор. Тил сиз билан менинг ихтиёримизда юрмайди. Биз орфографиясини бошқаришимиз мумкин.

Мен иккитагина мисол келтирдим. Лекин бундай сўзлар кўп. Бу сўзлар устида улар жуда кўп ишлашди. Менимча, тилнинг ўзига қулоқ бериш керак. Тилнинг ривожланишига имкон беришимиз лозим. Чунки тил ҳеч қандай буйруққа бўйсунмайди.

— Тил ўргатувчи факультетларга талабаларни тест орқали қабул қилиш ўзини оқлайдими?

— Хорижий тилларни ўқитиш учун институтларга ҳамма жойда тест орқали талаба қабул қилинмоқда. Бунинг яхши томонлари жуда кўп. Аввалги имтиҳон билан ўқишга кирадиган талаба билан бугун тест орқали кирадиган талаба орасида фарқ бор. Бу ижобий. Мен буни қўллаб-қувватлайман. Лекин шу билан бирга баъзи хорижий тил билан боғлиқ жойларда тест билан бирга абитуриентларнинг оғзаки нутқини имтиҳон қилиш керакми дейман. Баъзан нутқи ривожланмаган талабалар учрайди. Улар мактабларда дарс беришолмайди. Тилни билади, тестдан ўтади, лекин оғзаки нутқда қийналишади. Яхшиям буларнинг баъзилари таржимон бўлиб кетишади. Чет тили мусиқага ўхшайди. Мусиқада қўшимча имконият беришади, лекин тил ўрганувчиларга шу имконият берилмаган.

Айтмоқчиманки, консерваторияга кираётган талабаларга ўхшаб университетларга кираётган талабалардан ҳам қўшимча имтиҳон олинса. Яъни, оғзаки нутқлари синаб кўрилса, менимча ёмон бўлмасди.

Америка, Европа давлатларида мактабни битираётганда топшириладиган имтиҳон шу даражада қаттиқ назоратга олинадики, битириб бўлгандан кейин у ҳеч қаерга бориб, биздагига ўхшаб саратонда, иссиқда 5-6 соатлаб имтиҳон топширмайди. Ҳамма имтиҳонни мактабда топширишади. Кейин ҳужжатларини исталган олий ўқув юртига жўнатишади, у ердан, сени қабул қилдик ёки қабул қилмадик, деган жавоб келади.

Биздаям шунақа бўлса, менимча яхшироқ бўларди. Яъни, мактаб битириш имтиҳонлари олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари вазифасини ҳам бажаради.

— Борди-ю ўша мактабда имтиҳон топширган боланинг бали етмай, уни хоҳлаган университет қабул қилмаса-чи?

— Битта мисол айтай. Мактабда эски тизим бўйича Америкада 600 дан ошиқ балл олган одам Американинг хоҳлаган университетига ўқишга кириши мумкин. Масалан, Ҳарвард университети 600 дан зиёд балл олган ҳар қандай абитуриентни ўқишга қабул қилади. Ва бошқа яна 4-5 та университет бор, улар ҳам шундай. Яъни, уларда 600 балл олиш биздаги "5" баҳога тенг. Ундан пастлари қабул қилинмайди. 550 балл олиш — биздаги "4" баҳога тенг келади. 150-200 балл олганлари эса касб-ҳунар берадиган ўрта махсус ўқув юртларига кириши мумкин.

— Суҳбатимиз сўнгида муаллимларга тилакларингиз.

— Аввало, шуни айтиб ўтмоқчиманки,"Ma'rifat" газетаси менга жуда маъқул газета. Республикамизда кечаётган маърифий ва маданий жараёнларни яхши ёритиб боради. Халқ ичида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни очиқ ифодалаб бораётган газета. Унинг муштарийлари эса азиз муаллимлар. Муаллим миллатнинг юзи дейдилар. Ана шу миллатимизнинг юзига ҳеч қачон доғ тушмасин.

Ҳусан НИШОНОВ суҳбатлашди

Mehmonxona



Matematikaning tahliliy xususiyatlari va tabiiy fanlarning ilmiy tadqiqiy ko'nikmalari insonga butun borliq taraqqiyoti jarayonlarini aniq tasavvur etish imkonini bera oladi.

Holbuki, matematika va tabiiy fanlar sohasida mutaxassislar va o'qituvchilarga talab nisbatan yuqori ekan, davlat tomonidan ajratilayotgan grantlarning ko'prog'i shu mutaxassislarni tayyorlashga yo'naltirish lozim.

ФУНДАМЕНТАЛЬ ФАНЛАР ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Fikr, mulohaza, taklif

XXI АСР ФИЗИКАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида уч кун давом этган "XXI асрда физика таълими ва фани муаммолари" мавзусидаги Республика илмий-услубий анжумани соҳа ривожи ва янгиликларига бағишланди.

Анжуманда, **физика фанини олий, ўрта махсус ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишнинг долзарб муаммолари, физика фанининг бошқа фанлар билан интеграцияси, физика фанининг долзарб муаммолари, физика фанини гуманитарлаштириш тамойилларини шакллантириш** каби шўъбаларга бўлиниб иш кўрилди.

Унда, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Андижон, Сурхондарё, Навоий, Жиззах вилоятларидан кўзга кўринган олимлар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ташкил қилиниб, улар юқори малакали ўқитувчилар билан таъминланяпти. Янги қурилган бундай ўқув масканларининг жиҳозланиши дунёнинг ривожланган мамлакатлари ўқув юртларининкидан қолишмаслиги ҳозирги замонавий кадрлар тайёрлаш соҳасида мустақкам пойдевор яратилаётганидан гувоҳлик беради.

Anjuman

Мамлакат ривожланишига бевосита таъсир қиладиган муҳим омиллардан бири бу илмий-техника тараққиётидир. Бунинг учун энг олий даражада ғоялар берадиган олимлар, конструкторлар ва инженерлар билан бир қаторда фундаменталь билимларнинг асосларини яхши эгаллаган, юқори малакали кадрлар ҳам талаб қилинади. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун қуйида бир-иккита мисоллар келтирамиз. Денгиз порти Таллинда қурилганлиги, дастурлаштирилган, дастгоҳлар асосан Латвия заводларига ўрнатилганлигининг ҳал қилувчи сабабларидан бири ўша мамлакатларда малакали ва билимли кадрларнинг етарлилигида эди. Бугунги кунда Сингапур дунёда энг интенсив технологик ишчи кучига эга. Исроилда бошқа жойларга нисбатан кўпроқ технологик янгиликлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу мамлакатда 10000 аҳолига 135 нафар юқори малакали муҳандислар тўғри келиб, бу кўрсаткич АҚШникидан икки маротаба катта. Кичкинагина Ирландия мамлакати ёш, малакали ва яхши маълумотга эга бўлган ишчи кучини жалб қилиш эвазига Европада сотилаётган тадбикий компьютер дастурлари таъминотининг 60 фоизини ишлаб чиқармоқда. Хориж мамлакатлари эришган бу муваффакиятларнинг умумий гарови ҳам таълим сифатидир.

Демак, ривожланган хорижий мамлакатларда математика ва табиий фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор билан қаралади.

1995 йилда "Математика ва табиий фанларнинг учинчи халқаро тадқиқот"и 41 мамлакат ўқувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолаганди. Тадқиқот натижаларига кўра, АҚШнинг бошланғич синфлари ўқувчилари билимлари ўртача халқаро даражадан бироз юқори, ўрта синфлар ўқувчилари билимлари эса табиий фанлар бўйича ўртача даражадан озгина юқори, лекин математика бўйича халқаро даражадан бирмунча пастлиги маълум бўлди. Шунга қарамай, физика ва математикадан ўқувчилари билимлари алоҳида баҳоланган 20 та мамлакатнинг бирортаси АҚШдан қуйи ўринни эгалламади. Ленн комиссиясининг тан олишича, АҚШ ўқувчиларининг математика ва табиий фанлардан билимлари жаҳон миқёсида мақтайдиган даражада эмас.

Шу билан бир вақтда россиялик кўзга кўринган, дунё эътироф этган олимлар Россия таълим тизимида ҳам математика ва табиий фанларнинг ўқитилишига эътибор чидаб бўлмайдиган даражада сусайиб кетаётганлиги ҳақида бонг ура бошладилар. "Фундаменталь фанларга ва Россиянинг хавфсизлиги" мавзусида ўтказилган конференцияда азалдан фундаменталь билимлар пухта берилган Россияда ҳам математика ва табиий фанларни ўқитишда хавфли ҳолат юзага келганлиги ойдинлашди.

Дунёнинг яна бир ривожланган мамлакати, микроэлектроника соҳасида XX аср Иккинчидан, табиий фанлар ва математика янги ғоялар, кашфиётлар яратиш орқали инсониятни чуқур ва кенг миқёсда фикрлаш қобилиятига кучли таъсир кўрсата олиш хусусиятига эга. Айнан астрономия фани Яқин Шарқнинг қадимги цивилизациясига асос бўлди. Ньютон физикаси саноат инқилобини реал ҳақиқатга айлантирди. Кейинги даврда ахборот назарияси компьютерларни яратибгина қолмай, инсоният учун бекиёс фойдали глобаль коммуникациялар тизимининг ҳам пайдо бўлишига имкон яратди.

Учинчидан, математика ва табиий фанлар моддий дунёнинг узлуксиз ўзгаришини тушуниш учун инсонни кучли қуроллар билан таъминлабгина қолмай, балки улар бизни ҳали номаълум табиат сирлари очилиши мумкинлигига ишонтиради.

Мустақил Республикамизда математика ва табиий фанларни ўқитиш даражаси қандай? Аввало шуни таъкидлаш жоизки, барча соҳаларда тубдан ислоҳотлар Республикамиз учун таълимни фундаменталлаштириш, математика ва физика фанларини ўқитиш сифатини алоҳида назорат қилиш, ўқувчилар ва талабаларнинг ҳар томонлама пухта билим олишларига барча шароитларни яратиш жуда катта аҳамият касб этади. Фундаменталь таълимни юқори сифат даражасига кўтариб, жуда тез ривожланиб кетишимиз ҳам, унга етарли даражада аҳамият бермай, орқада қолиб кетишимиз ҳам мумкин.

Кейинги йилларда Республика илмий-услубий анжуманларида, даврий ва вақтли матбуотда билдирилган фикрлар, тест синовлари яқунлари, ўтказилаётган фан олимпиадалари натижаларига асосланиб, бу бўйича бир қадар тасаввурга эга бўлиш мумкин. Академик Ш.Аюпов ва физика-математика фанлари доктори С.Тўлагановларнинг "Олий ўқув юртларида олий математика фанини ўқитилиш савиясини кўтаришнинг баъзи муаммолари" («Таълим ва тарбия» журнали 1-2 сонда эканлиги сезилиб қоляпти.

Математика ва табиий фанларнинг мактабларда ўқитилиш даражаси (самарадорлик фоиз ҳисобида) қуйидаги жадвалдан ҳам сезилиб турибди.

№	Фанлар	Йиллар 1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
1	Математика	40,39	40,87	36,13	33,87	32,43	34,08	38,54
2	Физика	27,58	29,26	32,06	28,96	27,69	27,74	28,46
3	Кимё	41,55	40,73	38,26	36,08	32,23	30,83	32,05
4	Биология	53,48	53,39	46,80	37,27	33,34	34,97	36,10

Кўриниб турибдики, физика ва математиканинг тест синовларига киритилган бошқа фанларга нисбатан паст кўрсаткич бераётган табиий фанлар орасида ҳам охиридан биринчи ва иккинчи ўринларда. Бу натижаларга фақат тест синовларидан осон ўтиш йўлларини ўргатадиган репетиторлар «меҳнати» ҳам яширинган. Кейинги йилларда репетиторлик тобора томир отиб бормоқда, унинг ҳатто фанлар чуқур ўрганишга йўналтирилган фойдаланаётганлигига қарамай, тест синовлари блокидан унга жой тегмаган. Физиканинг техникага энг яқин фан эканлигини ҳамма биларди. «Бугунги куннинг физикаси — эртанги кун техникаси», «Физика — илмий-техника прогрессининг асосидир», дейилган фикр-чи? Лекин, техника йўналишларида ҳам тест синовлари блокида физикага биринчи ўрин берилмагани кишини ажаблантиради.

Табиий фанлар эксперимент фанлар ҳисобланганлиги боис, ҳақли равишда улардан сифатли билим бериш учун замонавий асбоб ва қурилмалар билан жиҳозланган кабинетлар, ўқув лабораториялари мавжуд бўлиши керак. Бундай кабинетларнинг аста-секинлик билан вужудга келаётганлиги бу муаммони аста-секин бартараф қилади. Мактаблар, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг физика, кимё ва биология кабинетлари хорижий мамлакатлардан келтирилган энг замонавий ўқув-лабораторияларга жиҳозлари билан таъминланмоқда. Лекин, шу қимматбаҳо жиҳозлардан фойдаланиш самарадорлиги талаб даражасидами? Мактабларда ишлаётган ўқитувчилар ва олий ўқув юртларини тамомлаб, ўрта махсус таълим соҳасига бораётган ёш мутахассисларнинг билим, кўникма ва малакалари бундай замонавий, нозик асбоблари ишлатишга етарлими? Бундай жиҳозлар билан улар институт, университет, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларида ишлай олади, дейиш қийин. Чунки бундай жиҳозлар билан ҳозирча барча олий педагогик маълумот берувчи ўқув юртлари таъминланган эмас.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун аввало унинг ижрочиси — профессор-ўқитувчиларни бу жараёнга руҳан мослаш ҳамда унинг ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим.

Бу масалани ҳал этишда давлатимиз томонидан олиб борилаётган амалий ишлар миқёси жуда кенг. Биргина Осиё Тараққиёт Банки томонидан жалб этилган 108,5 млн. АҚШ долларига тенг имтиёзли кредит маблағининг қариб 40 миллиони бевосита педагогларнинг малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилди. Якин кунларда бу тизимда 250 мингдан зиёд ўқитувчи-педагогларнинг қайта тайёргарлиги ва малакасини ошириш ва ўз ёки бу теореманинг исботини айтиб беришолмаган. Улар Япония мамлакати мактабларида олиб борилаётган дарс машғулотларини намунавий деб таърифлашди. Анъанавийлик ва замонавийликни, миллийлик ва байналмиллалликни моҳирлик билан уйғунлаштирган япон халқи, ўқитишнинг фундаменталлиги билан янги педагогик технологияни ҳам юқори самара берадиган даражада мослаштирган. Ўқитишнинг интерактив усулини қўллаш жараёнида ҳам ўқувчилар жуфт-жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда теоремаларни пухта ўрганишган.

Сир эмаски, замон талабидаги ўқитувчи-кадрлар, педагоглар тайёрлайдиган олий ўқув юртларига кимлар кираётганлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўқитувчилик касби ижодий меҳнат талаб қилиши жиҳатидан актёрлик, рақоссалик, мусиқашунослик, рассомлик ва шунга ўхшаш ижодий касблардан асло кам эмас. «Бир соатлик дарс — яхши бир асардир», «Дарс бу якка актёрнинг спектаклидан иборат» деб бежиз айтилмаган. Шунинг учун абитуриентда педагогга хос сифатлар бор ёки йўқлигини, фақат сўхбат йўли билангина аниқлаш мумкинлигини эътибордан асло четда қолдириб бўлмайди. Демак, тест синовлари қаторига бўлажак педагоглар учун ижодий имтиҳонларни ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир ҳолатга эътибор қаратмоқчимиз. Республикамизда педагоглар тайёрлайдиган олий ўқув юртларига қабул қилишда математика ва табиий фанлар ҳамда қолган йўналишларга кираётган абитуриентларга бир хил шароит яратилган. Ҳолбуки, математика ва табиий фанлар соҳасида мутахассислар ва ўқитувчиларга талаб нисбатан юқори экан, давлат томонидан ажратилаётган грантларнинг кўпроғини шу мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш лозим. Ҳатто аньанавий равишда «эркаклар салтанати» ҳисобланиб келган математика ва табиий фанлар соҳаларида ишловчи ва билим олувчиларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилмоқда. Мактабларда, айниқса, шаҳар мактабларида эркак ўқитувчи ноёб ҳодисага айланиб қолди. Педагоглар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари аудиторияларида ўтирган талабалар орасида ҳам ёш йигитлар бармоқ билан санарли даражада. Биз бу билан таълим ва илм соҳасидаги аёллар ролини асло пасайтирмоқчи эмасмиз. Лекин, таълим соҳасида эркакларнинг кўпчиликни ташкил этиши унинг салмоғини кескин оширади.

Биз математика ва табиий фанлар ўқитилишини ўқитувчилар сифатини яхшилаш билангина бартараф қилиш мумкин, деган фикрдан жуда узоқмиз. Бугунги кунда ўқитувчи-педагогнинг ахлоқий, маърифий-маданий тарбияланганлиги масаласи ҳам жуда муҳим. Бунга эса ижтимоий-гуманитар фанларни астойдил ўрганиш билангина эришилади. Немис физиги Лихтенберг Георг Кристоф айтганидай «Кимда ким физикадан бошқа нарсани тушунмаса, у бошқа фанлари ҳам етарли даражада тушунмайди». Лекин шу билан бир вақтда барча ривожланган мамлакатларда эътироф этилаётганидай, математика ва табиий фанларни ўқитиш сифатини алоҳида назоратда тутиш замон талабидир.

Бу фанларга ёшларнинг қизиқишларини кучайтириш, соҳадаги илмий ва услубий ишларни янада такомиллаштириш учун республикамиз ҳукумати, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари томонидан чиқарилган қарорлар, буйруқ ва топшириқлардан ташқари оммавий ахборот воситалари ёрдамида жамоатчилик фаоллигини ошириш ҳам катта самара бериши аниқ. Жумладан, Ўзбекистон фанлар академиясига қарашли илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари ҳам таълим муаммоларини ечишга фаолроқ ёндашишлари зарур. Жаҳоннинг қўплаб мамлакатларида самарали фаолият кўрсатаётган ва тармоқлар бўйича нодавлат бирлашма ва жамиятлар диққатга сазовордир. Бизда ҳам республика миқёсидаги математика, физика ва бошқа йўналишлардаги жамиятлар ўз фаолиятларини тармоқ таълим ва фанининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этсалар, айни муддао бўлар эди.

Хулоса шуки, математика ва табиий фанларни ўқитишга ҳукумат даражасида эътибор берилиши, мустақил Республикамизни жаҳон ҳамжамияти билан янада ҳамоҳанг қадам ташлашига замин яратади. Демак, бунга якдиллик билан киришишимиз керак.

С.ЗАЙНОБИДДИНОВ,
Андижон давлат университети ректори,
Ўзбекистон физика жамияти раиси,
профессор
Н.СЎФИХЎЖАЕВ,
доцент

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ТИББИЙ ТАЪЛИМГА

Тўйчибой ТОШБОЕВ,
СамДУ ўқитувчиси,
физика-математика фанлари номзоди,
Гулбуви ЭШНАЗАРОВА,
Самарқанд шаҳридаги 54-мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

II-Тошкент давлат тиббиёт институтида "Билим, амалий кўникма ва маҳоратларни, ўқитиш технологияларини такомиллаштириш" мавзусида бағишланган XI ўқув-услубий анжуман бўлиб ўтди. Унда Республикамиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳанинг етакчи мутахассислари иштирок этди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров кириш сўзи билан очар экан, замонавий ўқитиш технологияларини тиббиёт олий ўқув юртларига кенг татбиқ этиш ва ўқитиш шаклларини такомиллаштириш шифокор кадрлар тайёрлашга қулай имкон яратишини, бу энг долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг USAIDнинг Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси доктор Андреас Тамберг ҳамда II ТошДавТИ ректори Ҳамид Каримовлар тадбир қатнашчиларини муборакбод этдилар. Билим кўникма ва маҳоратларини назорат қилишни такомиллаштириш босқичлари, халқаро тажрибалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва USAID ҳамкорлиги ва ёрдамида ташкиллаштирилган ва ўтказилган "Ма'рифат" мавзусидаги "Тиббий таълимни такомиллаштириш" ва "Тиббий таълимда ўқитиш технологиялари" мавзуларидаги тинглашлар, ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги тиббиёт олий ўқув юртлари ректорларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланиши ҳақидаги маърузалар ва ҳ.к. ўтказилиб, ўтган ишлар ва ҳозирги замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда, тиббиёт олий ўқув юртларининг ўқитиш технологиялари ва ўқитиш шаклларини такомиллаштириш, ҳамда ўқитиш сифатини ошириш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда ўтказилган "Тиббиёт олий ўқув юртларининг ўқитиш технологиялари ва ўқитиш шаклларини такомиллаштириш" мавзусидаги ўқитувчилар ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланиши ҳақидаги маърузалар ва ҳ.к. ўтказилиб, ўтган ишлар ва ҳозирги замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда, тиббиёт олий ўқув юртларининг ўқитиш технологиялари ва ўқитиш шаклларини такомиллаштириш, ҳамда ўқитиш сифатини ошириш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда ўтказилган "Тиббиёт олий ўқув юртларининг ўқитиш технологиялари ва ўқитиш шаклларини такомиллаштириш" мавзусидаги ўқитувчилар ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланиши ҳақидаги маърузалар ва ҳ.к. ўтказилиб, ўтган ишлар ва ҳозирги замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда, тиббиёт олий ўқув юртларининг ўқитиш технологиялари ва ўқитиш шаклларини такомиллаштириш, ҳамда ўқитиш сифатини ошириш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Навоий давлат педагогика институти ташкил топганининг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилган профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг 19-илмий-амалий анжумани илму урфон аҳлининг бир ҳисоботи бўлди десак, хато бўлмайди.

Тадбирни институт ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Равшан Рахмонов кириш сўзи билан очди. Анжуманга ташриф буюрган Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари Исмоил Ортиков, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Сафаров ва бошқалар сўзга чиқиб олий-гоҳ аҳлини қутлуғ сана билан муборакбод этди. Шунингдек, йиғилганлар тарих фанлари доктори, профессор М.Олтиновнинг «Ўзбекистон мустақиллиги шароитида маънавий омилларнинг ижтимоий аҳамияти», филология фанлари номзоди, доцент А.Зайниддинованинг «Истиқбол ва олийгоҳ истиқболи» мавзуларидаги маърузаларини тингладилар.

Ялпи мажлис якунлангач, илмий-амалий конференция қатнашчилари шўъбаларга бўлиниб, анжуман ишини давом эттирдилар.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Tadbir

Тошкент давлат юридик институтида бўлиб ўтган "Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш муаммолари (жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар)" мавзусидаги конференцияда жазони либераллаштириш билан бир қаторда билиб,ё билмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жарима усулининг қўлланилиши, бу эса улар орасида чин дилдан тавба-тазарру ҳолати учун замин яратаётганлиги хусусида сўз борди.

—Ҳар қандай вазиятда яъни ҳуқуқбузар жиддий жиноят содир қилганда ҳам унинг инсон эканлигини унутмаслигимиз ва ҳурматини жойига қўйишимиз лозим бўлади, — деди институт ректори М.Рустамбоев анжуманни оча туриб. — Ҳуқуқ ҳимоячиларининг асосий иши уларни фақат жазолаш эмас, балки қайта тарбиялашдир. Ҳозирги биринчи масала — мансабдор шахс кимлиги ҳақидаги тушунчани аҳоли онгига сингдириш бўлса, ундан кейин мансабдор шахсларга жазо берилишининг тартибини ўқириш ҳам муҳим вазифадир.

"Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мансабдор шахслар томонидан содир қилинадиган иқтисодиёт билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари" ҳақида Ички ишлар вазирлиги катта тезкор вакили, милиция полковниги Б.Шукуров, Республика Олий суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси ўринбосари И.Мамараимов. "Тадбиркорлик субъектларини маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш жараёнида йўл қўйилаётган қонун бузилиш ҳолатлари ва бартараф этиш чоралари" тўғрисида, Республика бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказий директори, юридик фанлар номзоди Э.Абзалов "Хуфёна" иқтисодиётнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг олдини олиш" ҳақида маъруза ўқишди. Маърузачилар орасида ҳуқуқ-тартибот органларининг бошқа вакиллари ҳам бор эди.

Ушбу конференция магистрлар бакалаврлар ва бўлажак ҳуқуқшуносларга ўзига катта машғулот бўлди. Амалиётчилар фикридан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳаётимизнинг гуллаб яшнаши, келажагимизнинг нурли ва обод бўлиши қонунга итоат қилиш, унинг адолатли йўрғига бўйсунишдир. Буни ҳеч биримиз унутмайлик.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
ТДЮИ катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди

АДОЛАТ УСТУН БЎЛСА

Ayniqsa, viloyat xalq ta'limi boshqarmasi, viloyat hokimligi tashabbusi bilan har bir tumandagi bitta maktabni zamonaviy o'quv jihozlari bilan jihozlash borasida qaror qabul qilinganligi e'tiborga loyiq.

«2002-2003 o'quv yili—Xalq ta'limi tizimi muassasalarida metodik xizmat ko'rsatishni takomillashtirish o'quv yili»

МЕТОДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ МАҚБУЛ УСЛУБИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифалари ва ДТС ижросини таъминлаш, таълим самарадорлигини ошириш учун таълим муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Республика вилоятларида методик хизматнинг қандай ташкил этилганлигини ўрганиш мақсадида ўтган йилнинг охирида 2002 йил "Тошкент шаҳар А.Икромов тумани халқ таълими бўлими методика кабинетининг таълим муассасаларида узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича ташкилотчилик фаолияти", жорий йилнинг бошида эса "Фарғона вилояти халқ таълими бошқарув органлари, малака ошириш ва методик хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан педагогларга амалий ёрдам кўрсатиш ишларининг самарадорлиги" бўйича олиб борилган ишлар ўрганилди. Натижада бу борада маълум муаммолар борлиги аниқланди. Уларни биргаликда муҳокама, таҳлил қилиш, хулосалаш ва ечимларини топиш мақсадида Андижон вилоятида "Педагогларга методик хизмат кўрсатишнинг самарали шакллари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Зеро, ушбу вилоятда мазкур масала юзасидан бир мунча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборлиси, вилоят халқ таълим бошқармаси қошида ташкил этилган узлуксиз методик хизматни мувофиқлаштириш кенгаши ҳамда методика маркази ходимлари туман методика кабинетининг иш фаолиятини мунтазам мувофиқлаштириб бормоқдалар. Айниқса, Методика маркази мутахассислари туман методика кабинетларига чиқишиб, уларнинг иш фаолиятини ўрганган ҳолда жойларда методик ёрдамлар уюштираётирлар. Чунончи, методика маркази туман методика кабинетлари билан ҳамкорликда ДТС ижросини таъминлашда фан кесимида ўқувчиларнинг ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларга доир 30 дан ортиқ тавсиялар, кўрсатмали дидактик материаллар тайёрлаб таълим муассасаларига етказишган. Қолаверса, бу каби ишларни янада такомиллаштириш мақсадида вилоят таълим муассасаларида белгиланган таянч мактабларида методик хоналар ташкил этилган бўлиб, мониторинг хонаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Мониторинг натижалари бўйича методика хоналарида тавсиялар, кўрсатмалар, қўлланмалар мужассамлаштирилган.

Айниқса, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар бир тумандаги битта мактабни замонавий ўқув жиҳозлари билан жиҳозлаш борасида қарор қабул қилинганлиги эътиборга лойиқ. Ана шу қарор асосида Андижон шаҳридаги Избоскан туманидаги 20-мактабларнинг физика, биология, кимё фани хоналари лаборатория асбоб-анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган. Вилоятда туман методика кабинетларининг ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилган бўлиб, булардан, айниқса, Бўз, Балиқчи, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Асака туманларини мисол қилиш мумкин.

Семинарга вилоят методика Марказлари директорлари, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректорлари ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятининг туман методика кабинет мудирлари ва Андижон педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра мудирлари жами 80 нафардан ортиқ киши иштирок этдилар. Семинар-тренингда Методика маркази қошидаги методик кенгаш, туман методика уюшмалари, таянч мактаблар, умумий ўрта таълим мактаблари методика кенгаши тўғрисидаги ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар устида сўз борди ва ушбу йўналишлар бўйича зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Методика маркази қошидаги методика кенгаши

Методик кенгаш таълим жараёнининг методик таъминот ҳолатини ўрганади ва туман методика кабинетининг методика ишларини мувофиқлаштириб боради. Яъни, туманларда олиб борилаётган методик ишлар истиқболини аниқлайди, таълимга доир меъёрий ва методик ҳужжатларни ўрганади, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усуллари юзасидан тавсиялар беради. ДТС талабларининг бажарилишини таҳлил қилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди ҳамда бажарилишини назорат қилади.

Методика кенгаши таркиби туман методика кабинети бошлиқлари ва илғор методистлардан иборат бўлади. Кенгашга методика маркази директори раҳбарлик қилади. Методика маркази йиғилишлари ҳар ойда бир марта ўтказилади. Кенгаш йиғилишларида белгиланган масалалар кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қилинади.

Ўқув-методик кенгашлар

Методика маркази қошида ташкил қилинган фанлар бўйича ўқув методика кенгашлари фанлар кесимида тузилиб, унинг таркибига ижодкор ўқитувчилар, методистлар, олимлар танлаб олинади. Унинг раиси вилоят халқ таълими бошқармаси буйруғи билан тайинланади.

Ўқув методика кенгаши вилоят бўйича оммалаштирилган ва ижобий самара берган методик ишларни республика бўйича оммалаштиришга, ДТС талаблари асосида фанлар ва йўналишларнинг барча турлари бўйича ўқувчиларнинг назарий-амалий ва касбий тайёргарлигини ошириш, таълим мазмунини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқади, дидактик материаллар, кўргазмали қуроллар, ўқув фильмлари яратиш юзасидан тавсиялар тайёрлашда қатнашади. Методика марказининг фанлар бўйича методистлари кенгашнинг котибаси сифатида йиғилиш қарорларининг бажарилишини назорат қилади.

Методика кенгаши фаолияти ВХТБ ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан мувофиқлаштириб борилади. Методика кенгаши уч ойда камида бир марта ўтказилади.

Методика кенгашида таълим муассасаларининг методик таъминотга бўлган эҳтиёжи, мактабгача таълим бўйича ишлаб чиқилган истиқбол дастурининг амалга оширилиши ҳамда ДТС мониторинги натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тадбирлар белгиланади.

Туман (шаҳар) фан Методика уюшмалари

Уюшмалар йўналишлари мактабгача таълим ходимлари (муассасалар раҳбари, методисти, тарбиячилари, психологлари, мусиқа раҳбарлари ва бошқалар), бошланғич таълим, мактабдан ташқари таълим кутубхоначилари, болалар етакчилари ҳамда фанлар бўйича биттадан методика уюшмалари тузилади. Унга уюшма йиғилишида сайланган ижодкор тажрибали ўқитувчи (тарбиячи) раҳбарлик қилади. Методика уюшмасининг фаолияти методика кабинети ҳузуридаги методика кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади. Методика уюшмаси икки ойда бир марта йиғилиш ўтказади. Йиғилишда белгиланган масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади.

Уюшмалар илғор тажрибаларни ўрганади ва оммалаштиради, таълим-тарбия беришнинг замонавий талабларини ишлаб чиқади, таълим жараёнига тадбиқ этишни ташкил этади. ДТС талабларининг бажарилишини таъминлашга раҳбарлик қилади. Янги дастур, дарслик қўлланмаларни ўрганади ва муҳокама қилади. Фан хоналарининг жиҳозланишига кўрсатмали материаллар тайёрлашга методик ёрдам беради.

Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш бўйича амалий ёрдам беради. Илғор ўқитувчилар банкини ташкил қилади. Иқтидорли болаларни излайди ва улар билан ишлашни ташкил этади. Мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва уларга методик ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боради.

Таянч мактаблар

Таянч мактаблар қилиб фанлар ёки йўналишлар бўйича ҳар томонлама замон талабларига жавоб берадиган тарзда жиҳозланган ҳамда ўқув тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган мактаблар туман халқ таълими бўлими буйруғи билан белгиланади. Таянч мактабда тажриба-синов ишлари ўтказилади. Туман фан методика уюшмаларининг фаолияти ташкил этилади. Ўқув семинарлар ташкил этилади.

Умумий ўрта таълим мактабидаги методик кенгаш

Умумий ўрта таълим мактабидаги барча ишларга раҳбарлик қилувчи орган-методик кенгашдир. Уни ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бошқаради. Кенгаш икки ойда бир марта йиғилиш ўтказади. Методика кенгашининг режаси ХТБ қошидаги методика кабинети тавсияси ҳамда методика уюшмалари таклиф қилган мавзулар асосида тузилади. Метод бирлашма раҳбарлари, илғор ўқитувчилар кенгаш таркибини ташкил этади. У август ойидаги мактаб педагогика кенгашида тасдиқланади. Методика кенгаши ўқув йилидаги методик ишларни режалаштириш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, фанлар бўйича ташкил этилган методбирлашмалар ишини тўғри йўлга қўйиш бўйича тегишли йўл-йўриқлар бериш, педагогик ўқишлар тайёрлаш ва ўтказиш, илғор тажрибаларни танлаш, ўқитувчиларни янги методик қўлланмалар, дарсликлар билан таништириш, илғор тажрибага эга мактаблар ишини оммалаштириш чораларини кўради.

Йўналишлар атрофлича муҳокама қилингандан кейин семинар иштирокчилари Балиқчи тумани ХТБга қарашли 50-, 37-, 28-мактаблар, Бўз туманидаги 2-, 18-мактаблар, Қўрғонтепа туманидаги 3-, 37-, 5-, 27-мактаблар ҳамда 9-мактабгача таълим муассасалари иш фаолиятлари билан танишдилар. Уларда мактаб фан хоналарининг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланганлиги, методика кабинети томонидан ўқувчиларнинг билимидаги бўшлиқларни тўлдириш ва ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларга ишланган тавсиялар зўр таассурот қолдирди.

Семинар-тренинг якунида қатнашчилар методика маркази ҳамда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, методик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлашди. Шу каби фикр ва мулоҳазалар асосида хулосалар чиқарилиб, келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

Н.ТУРДИЕВ,
И.МАННОПОВА

ГУЛЛАР ВА ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Хизмат сафари билан Денов туманида бўлганимизда туман ХТБ мудири ўринбосари Бўри ака Фармонов: «Бугун шаҳримиздаги истироҳат боғида «Гуллар ва қушлар байрами» деб номланувчи тадбиримиз ўтаяпти...» деб қолдилар.

Ўзга ишларимизни келган жойида тўхтатдигу гуллар ва қушлар томошасига йўл олдик.

Мана сизга байрам. Йўлаклару гир-атроф гуллару қушларга тўла. Қанча-қанча кўргазмали қоғозлар, альбом ва композициялар, қушлар ва ноёб жониворларнинг қўлда ясалган макетчалари...

Туман ХТБнинг ибратли ташаббуси билан ўтказилган ушбу кўрик-танловга тумандаги 89 мактабдан 71 таси, 61 та мактабгача таълим-тарбия муассасаларидан 19 таси ўзларининг гуллари ва қушлари, альбом ва композициялари, табиат муҳофазаси борасидаги деворий газеталари ва кўргазмалари билан иштирок этаётганлигини аниқладик. Ҳар йили бир марта бўладиган «Гуллар ва қушлар байрами» гавжум бир тарзда ўтади, — дейди Денов тумани ХТБга қарашли «Ёш табиатшунослар» маскани директори Қорабой Асадов. — Шахсан мен ўзим шу йилгиси билан 21 марта бундай байрамда қатнашиб турибман. Биласизларми, бу танловнинг қийин жойи ҳали ўринлар белгилаш палласида бошланади. Негаки, танловга барча-барча мактаблар ва болалар боғчалари катта тайёргарлик билан келишган. Ҳаммаси ғолибликдан умидвор».

— Мана бу кактусимиз 12 ёшида гуллади, — дейди 24-мактабнинг ўқитувчиси А.Холназаров, — қаранг, қандай чиройли гуллар...

23-сонли мактабгача таълим маскани кичкинтойларининг «Ўрик гуллаганда» деб номланувчи композицияси олдида ҳам одамлар гавжум. Дарҳақиқат, кичкинтойлар жамоаси суньий ўрик дарахтини жудаям ўхшатиб ясаб, унданда ўхшатиброқ гуллатиб қўйибди. Бу компазицияни фақат «ижодкорлик» деб баҳолаш мумкин!

33-мактаб ўқувчилари келтирган турли-туман макетлар ҳам ўта жонли тарзда яратилган. Гўё улар тирикдай. 83-мактаб ёш табиатшуносларининг «тирик бурчаги»ни кичик ҳайвонот боғига қиёслаш мумкин. Товус, бедана, канарейка, каклик, каптар, хўроз, ўрдак, ғоз, ҳатто тошбақа ҳам бор. 1-мактаб ёш табиатшуносларининг ишларидан хурсанд бўлдик. Мактабда табиат муҳофазаси мавзусига бағишлаб 12 та деворий газета мунтазам тарзда чиқариб борилар экан. «Атиргул», «Гулдаста» «Сайроқи қушлар», «Яшил олам» каби деворий газеталар айниқса мақтовга лойиқ. Байрам тантаналари охирида одил ҳакамлар ҳайъати аъзолари адолатли хулосаларни эълон қилишди.

Гуллар кўргазмаси бўйича 50, 27, 1, 52-сонли, қушлар кўргазмаси бўйича эса 50, 22, 77, 44-сонли мактабларнинг ёш табиатшунослари ғолиб деб топилдилар. Альбом ва композиция кўргазмалари бўйича 74, 27, 77, 51-сонли, кўргазмали қуроллар бўйича эса 27, 77, 60, 50 сонли мактаб ўқувчилари жамоалари ғолибликни қўлга киритдилар. Бадиий дасталарнинг чиқишлари бўйича эса 10, 53, 27-сонли мактабларнинг ёш санъаткорлари ғолиб бўлишди.

Барча ғолиблар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Абдували ОБИДДИН,
«Ma'rifat» нинг махсус мухбири

АРХЕОЛОГЛАР ЙИҒИНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида икки кун давомида дунёнинг Франция, Италия, Финляндия, Россия ва бошқа давлатларидан ташриф буюрган археолог олимлар иштирокида, Европа Комиссиясининг INTAS лойиҳаси доирасида «Темурийлар даври меъморчилиги археоматериаллари» мавзусида халқаро илмий-назарий семинар бўлиб ўтди.

Семинар иштирокчилари «INTAS дастури ҳақида маълумот», «XX асрнинг 20-80-йиллари архив материаллари темурийлар даври ҳолатини ўрганиш манбаи сифатида», «Советлар ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистон меъморчилик ёдгорликларининг аҳволи», «Архитектура ёдгорликларини мустаҳкамлаш конструкциясини яратиш», «Темурийлар даври меъморчилик ёдгорликларини тиклаш ва таъмирлашни геодезик таъминлаш», «Афғон зилзиласининг Шаҳрисабз меъморчилик ёдгорликларига таъсири», «Буюк ипак йўлида меъморчилик ва замонавий туризм», «Темурийлар даври Бухоро воҳаси кулолчилиги», «Замонавий жамиятда музейнинг аҳамияти» ва «Темурийлар даври нақшли сопол идишлари» мавзуларида фикр юритишиб, таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган ушбу халқаро илмий-назарий семинар мамлакатимиз маданий ҳаётида ўзининг амалий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

А.МУХТОРОВ

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўзбек театр санъатининг таниқли арбоблари Миёнбузрук Солиҳовнинг 110, Ғози Юнуснинг 105 ва Зиё Сайиднинг 100 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказди.

Кечада қатағон қурбони бўлган ушбу зотлар ҳақидаги хотиралар билан бирга уларнинг ижод борасида эришган муваффаққиятлари тўғрисида ҳам сўз юритилиб, ҳар учала арбоб ҳам юртнинг, миллатнинг асл фарзанди бўлганликлари яна бир бор таъкидланди.

Севара АКБАРОВА

БОЛАЛИГИМ ҚОЛДИ ОРТИМДА

«So'nggi qo'ng'iroq» senariysi

Мактаб ҳовлиси байрамона безатилади. Кираверишда «Биринчи қўнғироқдан сўнгги қўнғироққача», «Хайр, жонажон мактаб», «Сизга таъзим, сизга эҳтиром», «Оқ йўл сизга битирувчилар» каби шиорлар осилади. Мактабга ота-оналар, ҳомий ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари, фахрий ўқитувчилар ва бошқа меҳмонлар таклиф қилинади.

1 ва 11-синф ўқувчилари белгиланган жойда саф тортиб турадилар.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини кечани очиқ деб эълон қилади. Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Давлатимиз байроғи кўтарилади. Дастлабки сўз мактаб раҳбарига берилади.

Мактаб раҳбари ташриф буюрган меҳмонларни таништириб, битирувчи ўқувчиларнинг ютуқлари ҳақида сўзлайди. Олимпиада ғолиблари ҳамда ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилади.

Кечанинг қолган қисми битирувчилар орасидан тайинланган бошловчилар томонидан давом эттирилади.

I бошловчи: Ассалому алайкум, меҳмонлар, меҳрибон мураббийлар!

II бошловчи: Ассалому алайкум, етуклик дамларининг унутилмас дақиқаларини қалбларида ҳаяжон билан қарши олаётган битирувчи тенгдошлар!

III бошловчи: Ассалому алайкум, бугунги кечамиз қаҳрамонларига ҳавас билан тикилаётган жажжи укажонлар!

IV бошловчи: Мана бугун юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида катта тантана — «Сўнгги қўнғироқ» тадбири ўтказилмоқда.

I бошловчи: Биз битирувчилар, орзиқиб кутган қувончли ва ҳаяжонли дамлар арафасида турибмиз.

II бошловчи: Гарчанд шу кунни орзиқиб, ҳавасла кутган бўлсак-да, қалбимизнинг туб-тубидан шу азиз мактабимиз қучоғида, синфдошлар даврасида яна бир кунгина қолгимиз келади.

III бошловчи: 11 йил биз таълим олган қадрдон мактаб билан хайрлашиш қанчалик оғир эканини айни шу дақиқаларда ҳис қилаяпмиз.

IV бошловчи: Лекин ҳаёт, вақт фақат олдинга интилади.

I бошловчи:
Болалигим қолди ортимда,
Ўн еттида ёшгинам ҳозир.
Катта ҳаёт йўли олдинда,
Катта ҳаёт пешвоз, мунтазир.

II бошловчи:
Севинчданми, кўзимда шабнам,
Дилда меҳрим, боқаман, шодон.
Чин дўстлик ё муҳаббат, билмам,
Қалбимда бор бир ширин туғён.

III бошловчи: 11 йил илгари илк мактабга келган чоғимизда қўлларимиздан ушлаб хоналарига етаклаган, бизга ўқишни, ёзишни ўргатган устозларимизнинг меҳнатини санасак, эҳ-ҳе вақтимиз ҳам етмайди.

IV бошловчи: Мактаб деганимизда, энг аввало кўз ўнгимизда устозларимиз, уларнинг игна билан қудуқ қазишдек машаққатли меҳнатларию кунни тунга улаб сабр-бардош билан билим беришлари гавдаланади.

I бошловчи: Ҳа, азиз устозлар, Сизни эъзозламаган шоир, таърифламаган шогирд топилмаса керак.

II бошловчи: Сиз тундаги йўлчи юлдуздек ўз билимларингиз билан шогирдларингиз дилини ёритасиз. Улар кўнглига малҳам бўласиз.

III бошловчи: «Алифбе» китобини варақлаб, ҳар бир ҳарфга қизиқсиниб тикилганимизда, ана шу сиру синоатга тўла китобимизни сабр-бардош билан ўргатган устозларга яна бир бор таъзим қилгимиз келади.

IV бошловчи:
Қирқ беш дақиқа сирин ким билар,
Сочингиз оқию ажинлар улар,
Болалар қалбига тушган туйғулар,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

I бошловчи:
Синфлар тўлишиб, тўлиб боради,
Илм денгизида сузиб боради,
Сўзларидан гуллар тузиб боради,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

II бошловчи:
Шодликлар кўп, унинг саноғи йўқдир,
Сиз берган меҳрнинг адоғи йўқдир.
Сиз каби илмнинг фидоси йўқдир,
Ватанимнинг доно муаллимлари.

(Битирувчилар даврага чиқиб 11 йил ичида хотираларида чуқур из қолдирган шодиёна кунлар, биринчи ўқитувчилари, биринчи ёдлаган шеърлари, энг қизиқарли воқеаларни, устозларга бағишлаб ўзлари ёзган шеър ва қўшиқларини ижро этиши тавсия этилади).

III бошловчи:
Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дуру бебаҳо.

IV бошловчи: Улуғ айёмдаги шеърий калом бу,
Шогирдлар номидан қутлуғ салом бу.

I бошловчи:
Сизга бағишланур дўстлар саломи,
Сизга бағишланур шогирд каломи.

II бошловчи:
Бугун ўзгачадир олам жамоли,
Табриклар тугамас, битмас давоми.

I бошловчи: Биз ҳаётимиз давомида неларга эришмайлик, қайларда бўлмайлик қалбимизнинг бир четида қадрдон гўшамиз — азиз мактабимиз хотираси, соғинчи яшайди.

II бошловчи: Кўнгилларимиз тўрида эса, сиз азиз устозларга бўлган меҳру муҳаббат, буюк эҳтиром яшайди.

III бошловчи: Бизни етуклик оламига кузатаётган мўътабар ва мунаввар устозларимизнинг меҳр тўла дуоси қалбимизда муҳрланади.

I бошловчи:
Шогирдлар билими — қанотдир сизга.
Меҳнатда ҳалоллик — саодат сизга.
Хотиржам яшамоқ чин роҳат сизга,
Сиз асл инсонсиз, доно муаллим!

II бошловчи:
Қалбларга илмлар ўйган нақкошсиз,
Тўю маъракалар тўрида бошсиз.
Яхшилик йўлида доим йўлдошсиз.
Сиз шундай буюксиз азиз муаллим!

Устозлар ҳақидаги қўшиқ ижро этилади.

II бошловчи:
Йиллар ўтиб улғайсак бир кун,
Ёшлигимиз хаёл бўлади,
Айтилмаган дил сўзлар учун,
Юракларда армон тўлади.

III бошловчи:
Арзимаган бир гап талашиб,
Аразлашиб қолардик гоҳо,
Зумда олар эдик ярашиб,
Оҳ, болалик, қандай бебаҳо.

IV бошловчи:
Ажралишсак, ўйга тўламиз,
Шу беғубор дамларни эслаб,
Кўнгилга-да қўлни соламиз,
Болаликни, дўстликни қўмсаб.

(Даврага битирувчилар чиқиб «Биз битирувчилар ўн йилдан сўнг» деб номланган саҳна кўринишини намойиш қилишлари тавсия қилинади. Бунда битирувчилар 10 йилдан сўнг турли касб эгалари бўлиб етишган ва ўз соҳалари бўйича Ватанимиз равнақига муносиб ҳиссаларини қўшмоқчи бўлган ёшларимизнинг келажак ҳақидаги тасаввурлари намойиш қилиниши мумкин).

I бошловчи: Ҳа, келажакни бундан ёрқин мисоллар билан тасвирлашга ҳақлимиз.

II бошловчи: Маълумки, сўнгги йилларда таълим тизимидаги муҳим ислоҳотлар, таълим-тарбия мазмунидаги миллийлик ва ёшларнинг хорижий давлатларда таълим олиш имкони яратилганлиги қувончли ҳолдир.

III бошловчи: Бундан ташқари «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганлиги биз ёшлар келажагини ўйлаб қилинаётган ишлардир.

1-синф ўқувчилари томонидан тайёрланган «Энг одобли ўқувчи», «Энг қувноқ ўқувчи», «Энг билимдон ўқувчи», «Мактабнинг билимдони», «Энг яхши қўшиқчи» каби битирувчиларга бағишланган тўртликлар, шеърлар, қўшиқлар, айтишув ва лапарлар ижро этилади. Шеърлар ҳазил, юмор тарзида айтилса тадбир қизиқарли ўтади.

Агар битирувчилар сони кам бўлса шеърларда уларнинг ҳар бирини алоҳида тавсифлаш мумкин. Агар битирувчи синфлар сони кўп бўлса, ҳар бир синфга умумий шеърий тавсифнома бериш тавсия қилинади.

Битирувчилар ўзлари тайёрлаган совғаларни 1-синф ўқувчиларига берадилар.

1-синф ўқувчилари эса уларга гулдасталар тақдим этадилар.

Меҳмонлар ва ота-оналарга сўз берилади.

I бошловчи: Сўнгги қўнғироқ — бу битирувчиларнинг мактаб бағридаги ўқувчилик дамларининг сўнгги дақиқалари.

II бошловчи: Сўнгги қўнғироқ — бу устозларнинг шогирдларга қилаётган дуоси.

III бошловчи: Сўнгги қўнғироқ — бу мактабнинг битирувчилар билан ўзига хос хайрлашуви.

IV бошловчи: Сўнгги қўнғироқ — бу болалик интихосию етуклик оламининг ибтидоси.

11-синф битирувчиси ҳамда 1-синф ўқувчиси сўнгги қўнғироқни чалади.

I бошловчи: Азиз меҳмонлар, устозлар ва ўқувчилар, шу билан «Сўнгги қўнғироқ» тадбирига бағишланган тантанали кечамизни якунлаймиз.

«Сўнгги қўнғироқ» қўшиғи остида битирувчилар 1-синф ўқувчиларини етаклаб чиқиб кетадилар.

Шодликларим чексиз бироқ,
Айриликдир оғирроқ.
Юракларга ларза солар
Ҳар он сўнгги қўнғироқ.

Нақорат:

Эй, чолғувчи қўнғироқни
Чалақолгин жўшқинроқ.
Қайда юрсак эсда бўлсин
Ҳар он сўнгги қўнғироқ.

Йиллар ўтди, биз улғайдик
Олиб илм сирларин,
Таълим берган устозларга
Деймиз раҳмат, офарин.

Нақорат:

Кеча тугагач, битирувчилар синф раҳбарлари билан биргаликда Хотира майдони, шоир ва алломалар номи билан юритилувчи ҳиёбонларни, қишлоқларда эса ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган жойларни зиёрат қилишга борадилар.

ХТВ тавсиясига кўра Республика Таълим маркази томонидан тайёрланган.

Sarbon yo'lovchilarni qiyinchiliksiz yig'ib, qabilalar o'rtasidagi janglar tugaguncha karvon vohada qolishini e'lon qildi.

Пауло КОЭЛО **Роман**

АЛКИМЕГАР

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Қуёш уфқдан бош кўтара бошлаганда Сантяго уйғонди. Тунда юлдузлар жилваланган томонда энди сон-саноқсиз хурмо дарахтлари кўзга илинар, гўё бутун саҳрони хурмозор босиб кетгандай туюларди.

— Етиб келдик! — ҳайқирди ҳозиргина уйқудан турган англиялик.

Сантяго жим турди. Буни у саҳродан ўрганганди, энди дарахтларга жимгина қарашининг ўзи кифоя қиларди. Эҳромларгача ҳали узоқ. Вақти келиб бу тонг ҳам унинг учун бир хотирага айланади. Бироқ ҳозир, Сарбон ўргатгандай, у айни дақиқалар учун яшаётир, шундан севинаётир ва бу хушбахт онларни у ўткан кунлар хотиралари, келажак ҳақидаги орзу-умидлари билан боғлашга уринди. Ҳа, ҳали бир кун келиб бу минг бир хурмо дарахти ҳам хотирага айланади, бироқ айни лаҳзаларда хурмозор соя-салқинни, сув ва хавфсизликни ваъда қилиб турибди. Худди тунда туянинг ўкиргани душман яқинлаб қолганини даракладгандай, қатор-қатор хурмо дарахтлари азоб-уқубатдан халос этадиган мўъжизадан дарак берарди.

"Дунё кўп тилларда тиллашади", — ўйларди Сантяго.

"Вақт тез ўтаётган пайтда карвонлар ҳам жадал одимлайди", — ўйлади Алкимёгар, воҳага кириб келаётган юзлаб одамлар ва уловларга қараб.

Бу ердагиларнинг ва карвон билан келганларнинг шовқини эшитилди, кўтарилган чанг-тўзон қуёшнинг бетини қоплади, болалар бегоналарни кўриб ирғишлар, вижиллашарди. Алкимёгар қабила бошлиғининг Сарбонга яқинлашиб келганини ва у билан узоқ суҳбатлашганини кузатиб турди.

Бироқ бу олатасир уни қизиқтирмасди. Қанча одамлар келиб кетмади, воҳа ҳам, саҳро ҳам ўша-ўша — мангу ва бир зайл. Бу қумларга шоҳларнинг ҳам, гадоларнинг ҳам қадам босганини у кўрган, гарчи шамолнинг кучидан ўз шаклини ўзгартириб турса-да, қумлар ҳам аслидагидай — Алкимёгар болалигида қандай кўрган бўлса ўшандай. Шундай эсада, зангори осмон ва сариқ қумни кўравериб зериккан ҳар қандай сайёҳнинг кўзига хурмо дарахтининг яшил шох-барглари кўринганда кўнгилга инадиган севинч ҳозир унинг ҳам юрагига кўчди.

"Эҳтимол, тангри саҳрони яратганда, одам дарахтларга кулиб, хурсанд бўлиб қарасин, дегандир", — ўйлади у.

Кейин у нигоҳини аниқ нарсаларга қаратишга чоғланди. У биларди — буни белгилар унга аён этганди — айни шу карвон билан ўзининг пинҳона билимларининг бир қисмини улашиши лозим бўлган одам келаётганини. Гарчи Алкимёгар бу одам билан таниш бўлмаса-да, синчков назари билан оломоннинг ичидан уни таниб олишига ишончи комил эди ва у ўзининг ўтмишдошидан кам эмаслигига умидланарди.

"Тушунолмайман, нима учун билган нарсаларимнинг ҳаммасини унга сирли тарзда маълум қилишим керак, — ўйлади у. — Буни, аслида сир дейиш ҳам қийин, зотан, Танг-ри ўзининг сирларини жамики мавжудотга бемалол ошкор этади".

Алкимёгар бунинг битта изоҳини топди: авлоддан авлодга ўтказиш лозим бўлган нарса — бу Соф Ҳаёт ҳосиласидирки, уни сўзларда ёки расмларда тасвирлаб бўлмайди. Одамлар эса, сўзлар ва расмларга берилиб кетиб, охир-оқибат Умумий Тилни унутишга мойил бўлишади.

Карвон билан келганларни дарҳол маҳаллий қабила бошлиқларига олиб киришади. Сантяго ўз кўзларига ишонмади: воҳа деганлари, тарих китобларида ёзилгандай, икки-учта хурмо дарахтию қудуқдангина иборат эмас, балки айрим испан қишлоқларидан кўра хийла катта жой экан. Қудуқларнинг ўзи бу ерда уч юз чоғли, хурмо дарахтлари — беш мингтача, уларнинг орасида эса турли рангдаги сон-саноқсиз чодирлар бор.

— "Минг бир кеча", — деди англиялик, у Алкимёгар билан учрашишни тоқатсизланиб кутаётганди.

Шу зумдаёқ уларни отларга, туялар ва одамларга қизиқсиниб қараётган болабақралар қўрғалашди. Эркаклар йўловчилардан саҳрода жангларни кўрдингларми, деб сўрашса, аёллар савдогарлардан қандай матолар, тақинчоқлар олиб келишганини билишга ошиқарди. Саҳронинг ўлик суқунати энди тушдагидай туюлар — ғалағовур авж олган, кулги, қийқириқлар қулоққа чалинар, гўё йўловчилар саҳрода жонсиз-тансиз арвоҳлардай юришган бўлса, энди тағин этли, суякли одамларга айланишгандай. Улар мамнун ва хушбахт эдилар.

Сарбон Сантягога воҳанинг ҳеч қачон тайин бир эгаси бўлмаганини, чунки бу ерда аёллар ва болаларгина қўним топишганини тушунтирди. Улар бирор-бир тарафнинг ёнини олишмас, жангчилар эса саҳро қумларида жанг қилишар, воҳани чекинганда жон сақлайдиган пана жой, деб билишарди.

Сарбон йўловчиларни қийинчиликсиз йиғиб, қабилалар ўртасидаги жанглар тугагунча карвон воҳада қолишини эълон қилди. Йўловчилар, урф-удумга кўра, қўноқ олишга ҳозир маҳаллий кишиларнинг чодирларидан жой топишади, деди у. Шундан сўнг Сарбон қуроли борлар қуролларини топширишини сўради. Оқшомлари карвонни қўриқлаганлар ҳам бундан четда қолмади.

— Урушнинг қоидаси шундай, — тушунтирди у. — Воҳа аскар ёки жангчиларни қабул қила олмайди.

Англиялик чўнтагидан хромланган тўппончани чиқариб, қурол йиғувчига берганда Сантяго жуда ҳайрон қолди.

— Тўппончанинг сенга нима кераги бор? — сўради бўзбола.

— Одамларга ишонишга кўникиш учун, — деди англиялик: унинг кайфияти чоғ эди, чунки узоқ йўл босиб излаётганини яқин-орада топишига ишонарди.

Сантяго эса қидираётган хазинасини ўйларди. Орзусига етишишга яқин қолгани сайин йўлида қийинчиликлар тобора ортиб бораётир. Подшоҳ Мулксидқнинг "бошловчиларга омад ёр бўлади", деган ҳикмати ҳам амал қилмай қўйди, нажот фақат, унинг тушунишича, ўз йўлини қидираётган инсоннинг қатъияти ва жасурлигига боғлиқ. Шу боис, у шошилиши бефойдалигини билар, сабр-тоқатидан воз кечолмас, аксинча бўлганда, Тангрининг унинг йўлига қўйган белгиаломатларини пайқамай ўтиб кетиши мумкин эди.

"Тангри ҳаммасини жойжойига қўйган", такрорлади у ичида, бу фикрдан ажабланиб. Ҳанузгача унга бу белгилар, очарчилик ёки ташналик, севги азоби ёки меҳнат каби, оламнинг бир бўлагидай туюларди. Тангрининг у билан мулоқотга киришадигани, ундан нимани истаётганини билдирадиган шу тил экани унинг хаёлига келмасди.

"Шошилма, — деди у ўзига. — Туякашнинг гапи гап: овқат маҳали овқатингни егин, вақт-соати етганда — йўлга чиқ".

Воҳага етиб келишгач, биринчи кун йўловчилар, англиялик ҳам, уйқудан тўйиб олди. Сантягони ўзи тенги беш нафар бола билан бир чодирга жойлаштиришди. Уларнинг бари маҳаллий болалар эди, шу боис катта шаҳарлардаги ҳаётни сўраб билишга қизиқишарди.

У ўзининг қўй боққанини айтиб, энди биллур дўконидаги ишларидан гап очмоқчи бўлганида чодирга англиялик кириб келди.

— Эрталаб сени роса қидирдим, — деди у, Сантягони ташқарига олиб чиқиб. — Сен менга керексан. Алкимёгарни топишимга ёрдам бер.

Икки кун улар Алкимёгарни алоҳида-алоҳида қидиришди, ўзларича уни бошқалардан фарқли яшайди, чодирида, албатта, туну кун олов ёниб туради, деб ўйлашганди. Бу ердаги чодирлар, улар чамалагандан кўра бир неча баравар кўп эканини англагунча, иккаласи воҳани бошдан-оёқ изғиб чиқишди — воҳада юзлаб чодирлар тикилган эди.

— Бутун бир кун бекорга кетди, — деди англиялик, қудуқлардан бирининг олдида чўнқайиб ўтираркан.

— Одамлардан сўраб-суриштириш керакмиди у ҳақда, — деди Сантяго.

Бироқ англиялик иккиланди — у ўзининг шу ердалигини ошкор этгиси келмасди. Охир-оқибат у бунга рози бўлди ва арабчада яхши гапирадиган Сантягодан Алкимёгарни дараклаб чиқишни сўради. Бўзбола мешини сувга тўлдириб олиш учун қудуққа келган аёлга сўз қотди.

— Яхшимисиз, хоним. Айтолмайсизми, Алкимёгарни қаердан топсак бўлади? — сўради у.

Аёл бу номни ҳеч қачон эшитмаганини айтиб, кетишга шошилди. Бунгача эса Сантягони огоҳлантириб, урф-одатларни ҳурмат қилишини, қора либосдаги эрли аёлларга гап қотмаслигини уқтирди.

Англияликнинг ҳафсаласи пир бўлди. Шунча йўл босиб келсаю, ҳаммаси йўққа чиқса! Бўз боланинг ҳам уни кўриб кўнгли совиди — ахир, йўлдоши Ўз йўлини излаётир. Бундай пайтда, Мулксидқ айтишича, Олам одамга кўмакка келади, орзуйи ушалиши учун лозим бўлган ёрдамни беради. Наҳотки, кекса подшоҳ адашган бўлса?

— Мен бурун ҳеч қачон алкимёгарлар ҳақида эшитмаганман, — деди у. — Билганимда сенга ёрдам қилишга уриниб кўрардим.

Англияликнинг кўзлари чақнади.

— Шундай демайсанми! — қичқирди у. — Бу ерда унинг Алкимёгарлигини ҳеч ким билмайди! Ҳар қандай касалликни даволай оладиган одам борми, деб сўраш керак!

Шу пайт қора либосда бир неча аёл қудуққа келди, бироқ Сантяго, англияликнинг илтимосига қарамай, уларга сўз қотмади. Мана, ниҳоят бир эркак киши кўринди.

— Сиз билмайсизми, бу ерда ҳар қандай касалликни даволай оладиган киши борми? — сўради бўз бола.

— Ҳар қандай касалликни фақат Оллоҳ даволай олади, — деди у, келгиндиларга чўчиброқ аланглаб қараб. — Жодугарларни қидираяпсизларми?

У Қуръондан бир неча оятларни пичирлаб айтиб, ўз йўлига қайтиб кетди.

Бироз ўтгач, бошқа бир одам келди; унинг ёши улуғроқ, қўлида челак бор эди. Сантяго унга ҳам ўша савол билан мурожаат қилди.

— Бундай одамларнинг сизларга нима кераги бор? — билмоқчи бўлиб сўради у.

— Менинг ошнам уни кўриш ниятида жуда узоқ йўл юриб келди.

— Агар бизнинг воҳада шундай одам бор бўлса, у ниҳоятда қудратли киши бўлиши керак, — деди ўйлаб туриб қария. — Ҳатто қабила бошлиқлари ҳам хоҳлашган пайт-да унинг ҳузурига йўлай олмайди. Уларни фақат ўзи истаган пайтда қабул қилади у. Уруш тугагунча кутинглар, кейин кетинглар бу ердан. Бизнинг воҳа турмушига аралашмаганларинг маъқул.

Шундай деб у кетди. Бироқ англиялик, Алкимёгарнинг изини топганини пайқаб, жуда қувонди.

Қудуққа, ниҳоят, қора либосдаги эрли аёл эмас, балки елкасида кўза билан бир қиз бола келди. Бошига рўмол ўраган, юзи очиқ эди. Сантяго Алкимёгарни даракламоқчи бўлиб, унга яқинлашди.

Ва шунда — гўё вақт тўхтаб қолгандай бўлди, Олам Қалби унинг кўз ўнгида ўзининг бутун куч-қудрати билан намоён бўлди. Қизнинг қоп-қора кўзларига, гўё жилмайишни ҳам, жим туришни ҳам билмаётгандай ҳимарилган лабларига қараб, Сантяго бир лаҳза ичида олам тиллашадиган, жамики одамлар сўзсиз, фақат юрак орқали мулоқот қиладиган тилнинг энг қадрли, энг ақлли бўлагини фаҳмлаб етди. Уни Севги деб аташади, у одам қавмиданда қадимий, саҳродан-да кўҳна. Эр йигит ва бўй етган қиз кўзлари тўқнашганда бу туйғу беихтиёр пайдо бўлади — ҳозир, қудуқ олдида шу ҳодиса рўй берди.

Ниҳоят, қизнинг лаблари табассумни ихтиёр этди ва бу белги, айни ўша — Сантяго ўзи билмаган ҳолда узоқ кутган, қўйларидан, китоблардан, биллур ва саҳро сукунатидан қидирган белги эди.

Бу соф ва тушунарли тил эди, абадият сари йўл солган Коинот сингари, таржимага, шарҳу изоҳга эҳтиёж сезмайдиган сўзсиз забон эди. Шу бир лаҳза ичида Сантягонинг англаб етгани шу бўлдики, у ўзининг қаллиғи қошида турар ва қиз ҳам буни сўзсиз англаб етмоғи керак эди. Бунга у зиғирча шубҳа қилмас, бу ишончи ота-онасининг раъйига қарашдан, одатдагидай, севганингдан кейин сўраб-суриштириб, совчи қўйиб, қолаверса, тўйга оз-моз пул жамғариб, шундан сўнг уйланган маъқул, дейдиганларнинг насиҳатидан кўра кучли эди.

Бироқ бундай маслаҳат берадиган киши Умумий Тилни билмайди, аксинча, бу тилга уйғунлашганингда ўзўзидан аён бўлади: саҳронинг қоқ ўртасидами ёки гавжум шаҳардами — доимо кимдир кимнидир кутади, қидиради. Уларнинг йўллари туташганда, кўзлари кўзларига тушганда, ўтмиш ҳам, келажак ҳам ўз моҳиятини тамом йўқотади, фақат мана шу бир лаҳза мавжуд бўлади ва бу ёруғ оламда кечадиган барча кечмишлар фақат битта қўл томонидан ёзилганига чексиз ишонч барқарор бўлади. Бу қўл қалбда муҳаббат алангасини ёқади ва ҳар бир инсон учун, меҳнат қилаётгани, дам олаётган ёки хазина қидираётганидан қатъи назар, унга худди ўзиникидай алангали қалбни муяссар этади. Аксинча эса, одам қавмини изтиробларга солгувчи орзу-ниятларнинг зиғирча маъниси қолмасди.

"*Мактуб*", — ўйлади бўз бола.

(Давоми бор)

Аҳмад ОТАБОЕВ таржимаси

ҚИРҒИЗИСТОН: ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ 4 НАФАРИ УШЛАНДИ

Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари 15 май куни Жалолободдаги вилоят ҳамда шаҳар ички ишлар бошқармаларига бостириб кирган жиноий тўда аъзоларининг 4 нафарини ҳибсга олганлар. Қуролланган 10 нафар жангарилар бошқармалардаги қўриқлаш хизмати ходимларига ҳужум қилиб, милиционерларнинг қурол ва ўқ-дориларини, хусусан, 21 та Калашников автоматини, 9 та Макаров ва 3 та Стечкин тўппончаларини олиб кетишган эди. Олиб борилган тезкор қидирувлар натижасида уларнинг 4 нафари Аксу туманининг Қизил-Жар қишлоғида ҳибсга олинганлар. Улар ўғирланган милиция машинасида бориш қийин бўлган тоғли ҳудудга кетишаётган эди. Бошқа бир милиция машинаси эса Кербен қишлоғидан топилган, дейилади «Lenta.ru» хабарида.

ТЕРРОРЧИ АЁЛЛАР 3 КИШИ БЎЛГАН

Чеченистон маъмуриятининг маълум қилишича, Илисхон-Юрт аҳоли пунктида Муҳаммад пайғамбарнинг тавваллуд куни муносабати билан ўтказилган диний байрамдаги портлашни амалга оширишда уч нафар террорчи аёл иштирок этган. Аввалроқ эса портлашни икки нафар аёл, 52 ёшли Зулай Абдурзоқова ҳамда Шоҳидат Боймуродовалар уюштирганлиги айтилган эди. Журналистик ниқобда бўлганликлари боис, аёлларнинг Аҳмад Қодиров бошчилигидаги ҳукумат раҳбарлари ўтирган трибунага яқинлашишларига рухсат ҳам берилганди. Шунингдек, портловчи моддалар видеокамерага ўрнатилган ёки камикадзеларнинг белларига тақилган камарга жойлаштирилган бўлиши тахмин этилмоқда. Фожеа туфайли 26 киши ҳалок бўлиб, 150 га яқин киши жароҳатланган.

ТОНИ БЛЭРГА АҚШ МУКОФОТИ

«Рейтер» агентлигининг хабар беришича, Қўшма Штатлар сенати Буюк Британия бош вазири Тони Блэрни мамлакат конгрессининг олтин медали билан тақдирлашга қарор қилди. Тони Блэрнинг бундай мукофотга лойиқ кўрилишига расмий Лондоннинг Вашингтонни оғир дамларда қўллаб-қувватлаши ва унга энг яқин иттифоқдош бўлганлиги сабаб бўлди.

Одатда АҚШ конгрессининг олтин медали Америка жамияти олдида кўрсатган буюк хизматлари учун бериладиган мукофот саналади ва ҳозирга қадар унга Рим Папаси Иоанн Павел II, Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Уинстон Черчилль ҳамда Нельсон Манделалар сазовор бўлганлар.

УММ — ҚАСР БОШҚАРУВИ ИРОҚЛИКЛАРГА ТОПШИРИЛДИ

Британия ҳарбийлари Ироқ жанубидаги Умм-Қаср ҳокимиятини бошқариш ваколатини маҳаллий маъмурият кенгаши ихтиёрига топширдилар. Энди порт шаҳарни 12 нафар ироқликлардан иборат кенгаш бошқаради. Умм-Қаср Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилгандан сўнг, маҳаллий кишилар бошқарувига ўтган биринчи шаҳар саналмоқда. Ҳозир Умм-Қасрда 200 нафар британ аскарлари турган бўлиб, яқин кунларда уларнинг аксарияти шаҳардан олиб чиқиб кетилади ва 30 нафаргина аскар маҳаллий маъмуриятга тартибни сақлаш мақсадида кўмаклашиш учун қолдирилади, холос.

ХАЛҚАРО КИТОБ КЎРГАЗМАСИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида 11-халқаро китоб кўргазмаси очилди. 10 кун давом этадиган кўргазмада дунё бўйича 916 та нашриёт, босмахона, китоб ишлаб чиқарувчи компаниялар ва бошқа полиграфия саноатига дахлдор ташкилотлар қатнашмоқдалар. 55 минг квадрат километр жойни эгаллаган кўргазмани ташкил этишда 5,6 млн. доллар маблағ сарфланган бўлса, ундан тушадиган даромад тахминан 7,6 млн. доллар бўлиши кутилмоқда. Кўргазма мобайнида 500 мингдан ортиқ киши ташриф буюриши кутилмоқда.

«Интернет» тармоғидан олинди.

АУНЁ ДАРИЧАСИ

КАСАЛЛИК ТАРҚАТУВЧИЛАР ЖАЗОЛАНАДИ

Хитой олий халқ суди ва олий халқ прокуратураси номаълум юқумли касаллик (SARS)ни омма орасида тарқатишга уринган кишини 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ўлим жазосига тортиш бўйича қўшма баёнот қабул қилдилар. Чунки бундай жиноятга қўл урган шахс жамоат хавфсизлигига жиддий зарар етказади.

Буюк Британияда эса SARS билан оғриган биринчи ҳолат кузатилди. Касаликка чалинишда гумон этилиб шифохонага келтирилган уч кишининг бирида SARS аломатлари аниқланган.

Кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, дунё бўйлаб тарқалиб бораётган хасталик туфайли бугунга қадар 587 киши ҳаётдан кўз юмган, дея хабар беради «Новости» ахборот маҳкамаси.

Safar taassurotlari

КАСБИЙ ТАЪЛИМ: У БУЮК БРИТАНИЯДА ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилган 1997 йилда, муҳтарам юртбошимиз Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган "Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" номли маърузасида "... амалдаги таълим-тарбия тизимининг заиф томонларини, замон талаблари, жамиятимиз келажаги ва мақсадларига жавоб бермайдиган жиҳатларини чуқур тасаввур қилиш, эркин, бадавлат яшаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўз ўлкамизда юксак малакали, ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрлаш, дастуримизнинг асосий шарти бўлмоғи лозим" деган эди.

Президентимизнинг ушбу даъватига асосланган ҳолда, ўтган қисқа давр мобайнида бир қатор тараққий этган хорижий давлатларнинг илғор ўқув юртлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб борилди ва бугун ҳам бу жараён муваффақиятли давом эттирилмоқда.

Яқинда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбариятининг ташаббуси ва бошчилигида бир гуруҳ касбий таълим фаоллари Буюк Британияда бўлиб қайтдилар.

Мазкур қисқа муддатли сафардан кўзланган асосий мақсад, ушбу ривожланган давлатнинг касбий таълим тизимидаги эътиборга молик томонларини имкон қадар мукаммал ўрганиш ва сўнгра уларнинг маъқул жиҳатларини Республикамизнинг ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимига жорий этишдан иборат эди.

Сафаримизнинг аввалида Британиянинг таълим департаменти — Британия таълим вазирлигида бўлдик. Вазирликнинг мақсад ва вазифалари ўта изчиллик билан белгиланганлиги, истиқболли, жорий ва тезкор режа ҳамда дастурларнинг аниқ ва реал тарзда ишлаб чиқилганлиги, уларнинг амалий фаолият жараёнидаги ижроси бизда кучли таассурот уйғотди.

Британия таълим вазирлиги қошидаги малака, кўникма ва маҳорат бўйича ўқитиш ҳамда ривожлантириш агентлигининг 16 ёшдан кейинги таълим сиёсати ва амалиётини такомиллаштирувчи миллий стратегик манба сифатидаги иш фаолияти ҳам ижобий натижалар бераётганлиги диққатимизни ўзига тортди.

Сўнгра, таълим стандартлари ва сифатини мукаммаллаштирувчи ҳамда мустақил назорат йўли орқали болалар билан ишловчи, вазирлик ва давлат тасарруфида бўлмаган ташкилот — таълимни стандартлаштириш офисида бўлдик.

Унинг бирламчи функцияси мактаблар назорати тизимини бошқаришдан иборат бўлиб, Англиядаги тўлиқ ёки асосан давлат бюджетидан молиялаштириладиган барча 24000 мактабни мунтазам равишда назоратдан ўтказиб туради.

Британия таълим тизимида 1994 йилда ташкил этилган "Ўқитувчиларни касбий тайёрлаш агентлиги" ижро этувчи орган ҳисобланиб, ўқув машғулотларини ўтказишга қизиқувчи шахслар сонини оширишни ва уларни ўқитиш сифатини юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сафаримиз давомида мазкур мамлакат миқёсидаги илғор ва етакчи деб танилган бир қатор коллежларнинг структураси ва меҳнат фаолиятлари билан яқиндан танишдик.

Британияда "Катта назорат мактаби" сифатида тан олинган, катта ёшдаги жамоатчилик учун "Ричманд коллежи"нинг бошқалардан фарқли томони — юқори малакали мутахассислар штатининг мавжудлиги, юқори ўтиш бали ва самарали маҳаллий ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлигидир. Коллеж ишчи кучини ва катта ёшдагиларни ўқитишни ривожлантириш бўйича "Касбий фарқ миллий маркази" сифатида тан олинган.

Британия таълим тизимида ўзига хос мақомга ва юксак мавқега эга бўлган, олий таълим масканида ўқишни давом эттиришга имкон берувчи "Брумли коллежи"да йўлга қўйилган ва амалга оширилаётган ишлар ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ушбу коллежнинг мақсади 16 ва ундан катта ёшдагиларнинг юқори сифатли таълим олишлари учун кенг кўламдаги имкониятларни яратишдан иборат. Коллеж давлат бюджетидан молиялаштирилади ва 30 йилдан ошиқроқ вақтдан буён ўқувчиларга турли хил курсларни таклиф этади. Бугунги кунда коллежда — "Бизнес ва менежмент", "Ҳамжиҳатли ва давом эттирилувчи таълим" ҳамда "Фан ва технология" йўналишлари мавжуд. "Брумли коллежи" Гринвич университети қошидаги коллеж ҳисобланади ва уни муваффақиятли тамомлаганлар университетда ўқишини давом эттириш имкониятига эга бўлишади. 16 ёшдан кейин мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги "Брумли коллежи"да ўқишни давом эттиришни ўзларига маъқул кўришади.

Коллежда жисмоний ногирон шахсларга ҳам ўз билим, малака ва кўникмаларини ошириш учун барча қулайликлар мавжуд.

Коллежда нафақат маҳаллий аҳоли вакиллари, балки кўплаб чет эл фуқаролари ҳам таълим олишади.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Буюк Британияда таълим тизими, жумладан, касбий таълим ва тайёргарлик тизими муваффақиятли йўлга қўйилган.

Республикамизда таълим тизимини, шу жумладан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ушбу давлат билан ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши, юксак самаралар бериши, шубҳасиз.

Я.ҲАЙДАРОВ,
Оқолтин тумани ижтимоий-иқтисодий коллежи директори

Dars vaqtida sigareta tutatib o'tirgan o'qituvchi o'quvchilarning "Hammayoq tutun bo'lib ketdi-ku, ustoz" degan gaplariga "Shu bilimni bersam ham, bermasam ham maosh olaveraman", deya javob beribdi.

ҚИРҚ ЙИЛЛИК ТАДҚИҚОТ УМУМЛАШМАСИ

Яқинда «Маънавият» нашриёти жадидчилик ҳаракати, унинг намояндалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик» номли китобни чоп этди. Унинг муаллифи филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовни жадидчилик ҳаракати даври — XIX аср бошида яшаб ижод этган юрт фидойилари ҳақида кўп тадқиқотлар олиб борган, мақолалар ёзган сермаҳсул ва фидоий олим сифатида кўпчилик билади.

Китоб ушбу даврга алоқадор кўпгина тадқиқотларга ўзига хос йўл кўрсатгич вазифасини ҳам ўтайди. Бугунги кунгача ёш тадқиқотчилар ана шундай китобга зарурат сезарди. Негалиги китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов фикрида баён этилган:

«Ушбу китобда Б.Қосимовнинг салкам қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида жадидчиликни ўрганиш борасидаги ишлари умумлаштириб берилган. Жадидчилик тўғрисида ўзимизда ва хорижда кўп асарлар ёзилган, албатта. Лекин, уларнинг ҳаммасида ҳам жадидчилик тўғри талқин қилинавермаган. Аксариятида у бир томонлама, маданий-маърифий ҳаракат сифатидагина баҳоланган. Қолаверса, шу пайтга қадар жадидизм ҳақидаги тасаввуримизни бир жойга йиғадиган, ютуқларимиз, камчиликларимизни умумлаштирадиган китоб йўқ ҳисобида эди. Шу жиҳатдан Б.Қосимовнинг мазкур тадқиқоти бугунги кунда, айниқса миллий истиқлол мафкурасини шакллантираётган бир пайтимизда жуда катта илмий-амалий аҳамият касб этади» (3-бет).

Китобда жадидчилик истилоҳи, унинг таомилга кириб келиши борасидаги далил ва фикрлар киши диққатини тортади. Айниқса жадидчиликнинг оқим эмас, ҳаракат эканлиги, ҳаракат бўлганда ҳам «ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат» эканлиги далиллар билан асослаб берилган. Яна бир муҳим жиҳати, муаллиф чор Россияси даврида яшаб ижод этган Муқимий, Фурқатдан бошлаб, советлар даврида яшаб ижод қилган, мустақиллик учун курашган жадидлар ҳаракатида уч йўлни ажратадики, бу фикр билан ҳисоблашишга тўғри келади.

«1. Русияга тобеликдан зўрлик билан қутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йил мардикорлик ҳаракати, «босмачилик»).

2. Муроса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларни тиклаш (И.Ғаспирали, М.Беҳбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг дастурларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бунинг учун ҳам маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунаввар-қори, Ҳамза, Авлоний)» (8-бет).

Китобхон тадқиқотни ўқир экан, муаллиф жадидшуносликни ҳам олти босқичга бўлганлигининг гувоҳи бўлади.

Домла жадидлар фаолиятининг ҳар бир қиррасини алоҳида-алоҳида таҳлилга тортади. «Жадидчиликнинг тамал тоши» деб номланган бўлимда «усули жадид» мактаблари ҳақида сўз юритса, «Уйғонмоқ дунё билан баробар яшамоқдир» бўлимида олий таълим борасидаги амалий ишларни ёритади.

«Жадид матбуотчилиги», «Миллат, миллият (жадидларда миллий ғоя ва мафкура)», «Жадидчилик ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатчилик», «Ташкилий қурилишлар йўлида», «Адабиёт — миллат ойнаси» каби яна қатор сарлавҳалар остидаги мавзулар талқинида жадидчиликнинг ўзига хос жиҳатлари таъкидланган ҳолда холислик ва донишлик билан таҳлилга тортилган, хулосалар чиқарилган.

Китобнинг «Жадидчиликнинг кўзга кўринган вакиллари» бўлимида Исмоилбек Гаспринский, Сиддиқий-Ажзий, Нозимахоним, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар-қори, Авлоний, Сўфизода, Мискин, Хислат, Тавалло, Ҳожи Муин, Сидқий, Фитрат, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар ва Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳақида алоҳида-алоҳида батафсил маълумот бериладики, улар қимматли манбалар сирасига киради.

Кичик тақризда китоб ҳақида тўлиқ маълумот бериш жуда мушкул. Шу боис уни ўзингиз ҳам ўқиб кўринг, азиз муштарий.

Нилуфар НАМОЗОВА,
ЎзДЖТУ тадқиқотчиси



ТАЪЛИМ ЖУРНАЛЛАРИНИНГ ЯНГИ СОНИ



Мамлакатимиз зиёлиларининг севимли матбуот нашрларига айланиб улгурган «Uzluksiz ta`lim» ва «Халқ таълими» журналларининг янги сонлари нашрдан чиқди. Илмий-услубий журнал бўлган «Uzluksiz ta`lim» журналининг бу галги саҳифаларидан «Таълим мазмунининг узлуксизлиги» «Маънавий тарбия» ҳамда «Касбга йўналтириш ва психологик хизмат» каби рукнларда бир қанча мазмунли, турли таклифларга бой бўлган мақолалар ўрин олган. Бундай мақолалар сирасига Халқ таълими вазири ўринбосари У. Мусаев ҳамда ЎзПФИТИ «Илмий ахборотлар ва таълим прогностикаси муаммолари» бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди Р. Сафароваларнинг «Дарслик — педагогик тизимнинг ахборотли модели сифатида», О. Раҳимовнинг «География таълимида компьютердан фойдаланишнинг дидактик жиҳатлари», Б. Ражабов ва А. Пўлатовлар ҳаммуаллифлигидаги «Талабалар билим даражасини прогноз қилишда педагогик тажриба босқичлари», Ҳ. Носирхўжаеванинг «Миллий педагогик кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорлик ва олий ўқув юртидан кейинги таълим жараёни» каби мақолаларни киритиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, журнал саҳифаларидан жой олган мақолаларда, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун энг керакли ҳамда долзарб мавзулар қамраб олиниб, тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берилган.

«Халқ таълими» журналида ҳам юқоридаги каби муҳим мавзуларга ўрин берилган Бундан ташқари, журнал саҳифаларидан ўрин олган мақолалар мавзу жиҳатидан кенг қамровлилиги билан ҳам ажралиб туради. Шунингдек, бугунги кунда таваллуд айёмлари кенг тарзда нишонланаётган Абдулла Авлоний, Ғафур Ғулом каби алломаларимиз ҳақида, улар ижодларининг таҳлили ва ижодларидан намуналар ҳам келтирилганлиги журналнинг куннинг воқеа-ҳодисаларига ҳам бефарқ эмаслигидан дарак беради.

Айниқса, журналдан ўрин олган Ш. Саматовнинг «Абдулла Авлонийнинг ахлоқий қарашлари» С. Норматовнинг «Абдулла Авлоний тил софлиги ва фикр тиниқлиги ҳақида» деб номланган мақолалари ўқувчида Авлоний ижоди ҳақидаги тасаввурни бойитишда катта роль ўйнаши, шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, журналларнинг янги сонлари ўз муштарийларига дунёқарашларини шакллантиришда мақолалари орқали катта таъсир кўрсатади дейиш мумкин. Журналлардаги ўзбек, рус тилларидаги турли туман мавзуларни ўзида қамраган мақолалар ўқувчи онгида акс-садо бермай қолмайди.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Бадиийлик ҳамма жойда зарур. Чунки бадиийлик туфайли сўз ҳам, санъат ҳам янада ранглироқ, янада жозибалироқ бўлиши муқаррар. Худди мана шу бадиийликни А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ «Мактабдан ташқари таълим» кафедраси мудири. С. Мирсолиҳов ўз рисоласи орқали йўл ҳаракатларини ўрганишга оид машғулотларга жорий этибди.

«Йўл ҳаракатларини ўрганишда бадиийлик» деб номланган жажжи рисола боғча болалари ва бошланғич синф тарбияланувчилари учун айни муддао дейиш мумкин. Унда йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги тушунчалар кичик-кичик ҳикоялар ичига сингдирилган ва бадиий қаҳрамонлар тилидан устамонлик билан ҳикоя қилинган.

Бундан ташқари, рисола йўл ҳаракати қоидаларини ўрганувчи ёшлар учун эсда қоларли ва чиройли шеърий ташбеҳлар билан безанган.



ЎҚИБ, МАЗЗА ҚИЛДИМ

"Синфдош" журнали биз ўқувчиларнинг севимли журналларимиздан биридир. Унинг ҳар сонини интизорлик билан кутамиз. Журнал орқали тенгдошларимизнинг фикрлари билан, тақдирлари билан танишамиз, мулоҳазаларга бериламиз, ўзаро баҳсга киришамиз.

Мана, қўлимизда "Синфдош"-нинг янги сони. Унинг дастлабки саҳифасида давлатимиз бюджетидан маориф соҳасига ажратилган маблағ миқдори кўрсатилганки, бу ҳукуматимизнинг биз ўқувчилар ёш— авлодга бўлган алоҳида эътиборидан дарак беради. Ҳақиқатан ҳам таълимга жуда катта маблағ ажратилар экан. Яна ҳар доимгидек тенгдошларимиз томонидан юборилган мактублар билан таниша бошлаймиз. Улар орасида Муниса Аҳмадхўжаеванинг мактуби мени ҳайратга солди. Мактуб муаллифи мактабларига келган янги ўқитувчи, унинг ҳатти-ҳаракатлари ҳақида ёзган. Дарс вақтида сигарета тутатиб ўтирган ўқитувчи ўқувчиларнинг "Ҳаммаёқ тутун бўлиб кетди-ку, устоз" деган гапларига "Шу билимни берсам ҳам, бермасам ҳам маош олавераман", дея жавоб берибди.

Ўқитувчиларнинг маош ҳақида гапиришлари негадир биз ўқувчиларга оғир ботади. Чунки биз ўқитувчиларни устоз деб биламиз, уларга меҳр қўямиз, уларнинг мақсади бизга билим бериш, эзгуликка етаклаш, деб биламиз. Уларнинг фақат маош учун мактабда юрганликлари кишини ранжитади. Журналда ижодкор тенгдошларимизнинг шеърлари, Тўхтамурод Рустамнинг ҳикояси билан танишдик.

Севимли шоирамиз Турсуной Содиқова билан бўлган суҳбат энг қизиқарли саҳифалардан бири десак, хато бўлмас. Шоиранинг қизғалдоқлар орасида ўтган болалик йилларида китобга бўлган меҳри жуда қизиқарли тасвирлаб берилган. "Мактабда муҳаббат мавзусига қандай қарайсиз?" деган саволга берган жавоблари биз ўқувчиларга одоб дарсидан берилган бир сабоқ бўлди. Шоиранинг китоб ва телевидение ҳақидаги қимматли фикрлари берилганки, бу суҳбатни барча тенгдошларим ўқиб чиқишса яхши бўларди, деб ўйлайман.

Журналнинг бошқа саҳифаларида ҳам қизиқарли, ҳам муҳим материаллар берилган. Ўқиб, мазза қилдим.

Д.НАМОЗОВА,
Навоий шаҳар академик лицейи ўқувчиси

МИСРАЛАРДА АЁЛ СИЙМОСИ

Жамиятимизда аёлларнинг ўзига хос ўрни бўлгани каби, адабиётимизда ҳам уларнинг салмоқли ўрни ва роли бор. Ойбуви Очилова ўзбек адабиётида ўз ўрнини топишга интилаётган аёллардан бири, десак муболаға бўлмас.

Ана шу ижодкорнинг қаҳрамонлари асосан аёллар бўлган яна бир китоби Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётидан «Синоатмисан, дунё» номи остида нашрдан чиқди. Муаллиф ўз қаҳрамонларини хаёлот дунёсидан эмас, қайнаётган ҳаёт қозонидан топган.

У ўз қаҳрамонлари билан бирга яшайди, бирга нафас олади гўё. Шу боис унинг ёзганларини ўқиркансиз, ёзувчи сўзига ишонасиз, кези келганда қувонасиз, кези келганда ачинасиз, қийналасиз. Муаллифнинг «Оқ рўмолча», «Ёдгорбек» ҳикоялари ўқувчида ана шундай таассурот қолдиради. «Ўғирланган болалик» сарлавҳаси остида жамланган жажжи ҳикоялар ҳаётда ўзини ғоятда доно билгувчи ва сановчи биз катталарни давомчиларимиз бўлган фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмасликка ундайди.

Асарлардаги, қаҳрамонлар замон билан бирга қадам ташловчи, меҳнати, ижоди билан эл-юрт меҳрини қозонаётган юртдошларимиздир.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида велопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. 1985-1986, 1989-1990 йилларда туғилган ёшлар ўртасида уюштирилган қизиқарли турнирда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар ёш спортчилари ғолиблик учун кескин кураш олиб боришди. Мусобақалар якунида эса ғолиблар аниқланди. Ўсмирлар ўртасида чемпионликни қўлга киритган Ярослав Малаховга, болалар ўртасида тенгқурларидан маҳоратли эканлигини исбот этган Руслан Яковенкога мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари тўҳфа этилди.

Камола НУРМАТОВА

"БАРКАМОЛ АВЛОД" МУСОБАҚАЛАРИ

13 май куни "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуида Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртлари талабалари ўртасида "Баркамол авлод" дастури бўйича республика спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромовнинг табрик сўзи билан бошланди. Диний муассасалар талабалари ўртасида спортнинг тўрт тури бўйича ғолиблар қатнашган финал ўйинларида айниқса, миллий кураш тури қизғин, муросасиз ўтди.

Кураш бўйича биринчи ўрин Хожи Бухорий билим юрти талабаси Мансур Кароматовга, иккинчи ўрин "Кўкалдош" билим юрти талабаси Зухрулло Мамадалиевга, учинчи ўрин Мир Араб билим юрти талабаси Улуғбек Жияновга насиб этди.

Стол тенниси бўйича биринчи ўринни Кўкалдош билим юрти талабаси Ҳабибулло Исмоилов, иккинчи ўринни Мир Араб билим юрти талабаси Абутолиб Фозилов, учинчи ўринни Мулла Қирғиз билим юрти талабаси Сайфиддин Темировлар эгаллади.

Шахмат бўйича ўтган баҳсларда эса биринчи ўринни Мир Араб билим юрти талабаси Мустақим Исаев, иккинчи ўринни Имом Бухорий билим юрти талабаси Ислом Ҳидиров, учинчи ўринни Хожа Бухорий билим юрти талабаси Сарвар Муҳаммадиев банд этди.

Шашка бўйича эса биринчи ўринни Тошкент Ислом институти талабаси Абдулқодир Пардаев, иккинчи ўринни "Кўкалдош" билим юрти талабаси Юсуф Шобеков, учинчи ўринни Хожа Бухорий билим юрти талабаси Аслиддин Эшимовлар эгаллашди.

Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Бахром ҲАМДАМОВ

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси. Навбаҳор туман халқ таълими бўлими, Усмон Юсупов номли мактаб маъмурияти ҳамкорликда «Обод маҳалла йили» ва «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан хотира турнири ўтказди.

Турнир Ўзбекистон темир йўллари Навоий — Учқудуқ кесишмасининг 26 км.да ишлаган мазкур мактабнинг собиқ ўқувчилари Икром Ҳасанов ва Абдусалом Ҳотамовларнинг руҳини шод этиш маъносида ташкил этилди. Тадбир муносабати билан мактаб ва маҳаллаларда Икром Ҳасанов ва Абдусалом Хотамовларнинг хотираси абадийлаштирилди.

—Хотира турнирини ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад бир жиҳатдан ўтганлар руҳини шод этиш бўлса, иккинчидан болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, мактабда футбол, қўл тўпи, кураш, шахмат-шашка сингари спорт турларини ривожлантириб, лаёқатли ёшларни аниқлашдан иборат бўлди.

Турнирда иштирок этган «Карвон» маҳалласи, Ўзбекистон темир йўллари «Навоий—Учқудуқ» 26 км. кесишмаси, тумандаги 15,16-мактаб жамоалари спортчилари ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совға-саломлари билан тақдирландилар.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори кикбоксинг ривожига катта аҳамият қаратилаётгани ўз самарасини бера бошлади. Куни кеча Грециядa кикбоксинг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Шуниси қувончлики, 60 та мамлакат спортчилари иштирок этган ушбу муросасиз баҳсларда 14 нафар кикбоксинг усталари билан қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида жаҳон чемпионатининг бронза медалларини қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишди. 14 нафар спортчиларимиздан 10 нафарига совринли ўринлар насиб этгани эса қувонарли ҳол. Шундай қилиб, Грециядаги нуфузли турнирда кикбоксингчиларимиз якка тартибдаги мусобақаларда 4 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Аҳтам РЎЗИМУРОДОВ

ФИНАЛДА ИТАЛИЯ КЛУБЛАРИ УЧРАШАДИ

Чемпионлар лигасининг ярим финал учрашувида майдонга тушган Италиянинг «Ювентус» ва Испаниянинг «Реал» жамоалари ўйини 3:1 ҳисобида италияликлар фойдасига ҳал бўлди ва улар финалга йўлланма олдилар. Турин шаҳридаги «Делле Альпи» стадионида кечган жавоб учрашувида испан футболининг 30 минг мухлиси самолётда келиб, «Реал» клубига ишқибозлик қилган бўлсаларда, лекин улоқ италияликларда кетди. Учрашувнинг биринчи бўлимида Давид Трезеге 13-дақиқада ва Алессандро дель Пьеро 43-дақиқада «Реал» клуби дарвозасини ишғол этган бўлса, иккинчи бўлимнинг охирларида Павел Недвед ҳисобни 3:0 га етказди. 65-дақиқада Луиш Фигу томонидан тепилган 11 метрлик жарима тўпи Буффон қўриқлаётган «Ювентус» дарвозасини ёриб ўта олмади. Лекин ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганида, яъни 89-минутда Зинедин Зидан «Реал» ҳисобига битта очко ёзилишига сабабчи бўлди. Аммо, бу испанларнинг финалга чиқиши учун етарли эмасди. Бир ҳафта аввал бўлган биринчи учрашувда эса «Ювентус» 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйган эди.



Ўйин ҳақида фикр билдирган «Реал» мураббийи Висенте дель Боске «Ювентус» ғалаба учун муносиб хизмат қилди, мен финалда уларга омад тилайман, гарчи кучли рақибимизга ютқазган бўлсак-да, биз ҳам ёмон ўйнамадик, дея айтган.

Ўз навбатида финалга чиққан «Ювентус» мураббийи Марчелло Липпи ҳам фикр билдириб, Италия футболи чиройли ўйин кўрсатишга қодир, дея айтган. Бинобарин, финалда Италиянинг икки жамоаси учрашадиган бўлиши ҳам бу фикрга далил бўла олади. «Реал» билан биринчи учрашув бўлишидан аввал, кўпчилик сизларда у қадар имконият йўқ, дейишганди. Аммо, биринчи ўйиндан сўнг, биз ғалаба қозонишимиз мумкинлигини ҳис этдик, дея айтган бош мураббий. «Ювентус» 1998 йили Чемпионлар лигасининг финал босқичига чиққан бўлса, 1996 йил чемпионликни қўлга киритган эди. «Реал» эса бундай бахтга 1995 йил сазовор бўлганди. Энди 28 май куни Италиянинг икки клуби «Ювентус» — «Милан» ўртасида финал учрашуви бўлиб ўтади. Дарвоқе, «Милан» ва «Интер» ўртасида кечган ўйинда Андрей Шевченко урган гол италияликларнинг финалга чиқишига сабабчи бўлди. Гарчи ҳисоб 1:1 билан якунланган бўлса-да.

КЛИЧКОЛАР ЖАНГГА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

Кеча украиналик боксчи Виталий Кличкога қарши 21 июн куни Лос-Анжелосда рингга чиқадиган спортчининг номи маълум бўлди. У атланталик 33 ёшли Седрик Босэул бўлиб, профессионал рингда 21 та жанг ўтказган ва уларнинг барчасида ғолибликни қўлга киритган. Шундан 16 тасида эса рақибларини накаутга учратган. Гарчи Седрик ҳеч бир чемпионлик камарига даъвогарлик қилмаган бўлса-да, WBC, IBF, WBA йўналишлари бўйича жорий этилган рейтинг натижалари рўйхатида 28, 19, 21-ўринларни эгаллаб турибди. Агарда Виталий ҳеч қачон енгилмаган Седрик устидан ғалаба қозонса, у британиялик жаҳон чемпиони Леннокс Льюис билан жанг ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритади. Акс ҳолда у бундай имкониятдан маҳрум бўлади.

Унинг укаси Владимир ҳам август ойида рингга чиқмоқчи. Бунинг учун ака-ука Кличколар промоутери Клаус Петер Кол бўлғуси жангда Владимирга муносиб рақиб топиш бўйича музокараларни бошлаб юборган. 21 июнда бўлиб ўтадиган Виталий — Седрик жангига қадар Владимирнинг рақиби маълум бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда Германияда яшаётган кичик Кличко 8 март куни Жанубий африкалик Корри Сандерсдан мағлубиятга учраб, иккинчи раундда техник накауд билан рингдан бош эгиб чиқиб кетган ҳамда чемпионлик камаридан маҳрум бўлган эди.

РОЙ ЖОНС АФРИКАЛИКЛАРГА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИ



WBA йўналиши бўйича оғир вазнли профессионал боксчилар ўртасида чемпионлик унвонини қўлга киритган Рой Жонс СПИДга қарши курашишда Африка қитъаси давлатларига ёрдам беришга қарор қилди. 34 ёшли бу қора танли боксчи ярим оғир ва суперогир вазнлилар ўртасида чемпион бўлган иккинчи спортчи саналади. Рой Жонс африкаликларга ёрдам бериш мақсадида ўзининг навбатдаги жангини Шарқий Африка давлатларининг бирида ўтказади. Учрашув ким билан бўлиши ва у қачон, қайси давлатда ўтказилиши ҳозирча маълум эмас.

КАНАДАЛИКЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Хоккей бўйича Финляндияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Канада терма жамоаси бош совринни қўлга киритди. Улар финалда швециялик хоккейчиларга қарши кураш олиб бордилар ва 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, уйларига олтин медал билан қайтдилар. Учрашувда аввалига канадаликлар дарвозасига шведлардан Матиас Чэрнквист ҳамда Пер-Юхан Аксельссонлар иккита шайба киритган бўлсалар, сўнгроқ канадаликлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Қўшимча вақтда эса Энсон Картер Канада жамоасини олдинга олиб чиқди ва жаҳон чемпиони бўлишларига сабабчи бўлди. Бу олтин медал 1997 йилдан буён канадаликларнинг биринчи ютуғи, дея айтилмоқда.

БИЛАРДО МАРАДОНАНИ ҲАМКОРЛИККА ЧАҚИРМОҚДА

Аргентиналик таниқли мураббий Карлос Билардо афсонавий футболчи Диего Марадонани бирга ишлашга чақирмоқда. Ҳозирда Буэнос-Айреснинг «Эстудиантес» жамоасига раҳбарлик қилаётган Билардо Марадонани ўзига ёрдамчи қилиб олиш ниятида ва бу ҳақда у ўз таклифини ҳам билдирган. «Диего билан ишлаш менга ёқади. Шунинг учун мен уни ҳамкорлик қилишга чорлайман», дея айтган пойтахт клуби раҳбари. Ёдга олсак, 1986 йил таркибида Марадона ҳам бўлган Аргентина терма жамоаси жаҳон чемпионлигини қўлга киритганида Билардо жамоага мураббийлик қилган эди.

ПАРИЖ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚЧИ

Франция пойтахти Париж 2012 йили бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш учун ўз номзодини қўйди. Бу ҳақда шаҳар ҳокими Бертран Деланоэ қарор қабул қилган бўлиб, ҳозирда ўйинлар ўтказилиши борасида лойиҳа ҳам тайёрланмоқда. Париж 2008 йилги олимпиада ўйинларига ҳам мезбонлик қилиш учун Халқаро Олимпия Қўмитасига таклиф киритган эди. Бироқ омад Хитой пойтахти Пекин шаҳрига кулиб боқди. Ҳозирда 2012 йилги мусобақаларга Париждан ташқари Лондон, Гавана, Лейпциг, Мадрид, Нью-Йорк, Рио-де-Жанейро, Сан-Пауло шаҳарлари ҳам ўз номзодларини қўйганлар. Лекин мезбонлик кимга насиб этиши Халқаро Олимпия Қўмитасининг 2005 йил 6 июлдаги йиғилишида маълум бўлади.

Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан "Ўзгариш" Қ.Ф.Й.да яшовчи хусусий тадбиркор Режепов Анвар номига берилган юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан Эшонгузар қўрғонида яшовчи хусусий тадбиркор Алихонов Абдужаббор Шоҳобович номига берилган юмалоқ муҳр ва бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва ҳуқуқшунослик факультети жамоаси "Давлат ва ҳуқуқ асослари" кафедраси доценти Мудассир Саидазимовга онаси

ЖАННАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Сайфиддин Худойбердиевга отаси

ШАМСИДДИН отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва Биология-тупроқшунослик факультети жамоаси Ботаника ўқув-илмий марказининг доценти Худойберди Худойбергановга волидаи муҳтарамаси

Тошбиби ая МУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

"Маърифат чашмаси" таҳририяти жамоаси Журналистлар уюшмаси аъзоси Сайфиддин Худойбердиевга отаси

ШАМСИДДИН отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

1 — Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг мусиқа ўқитувчиси Шоҳида Маҳкамовага онаси

САРВИНИСА аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва кимё факультети жамоаси "Органик кимё" кафедраси доценти Анвар Абдушукуровга онаси

Марифат ая УСМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Bechora onaning balki moddiy tomondan imkoniyati yo'qdir, balki boshqa sababi bordir, xullas, o'g'liga o'rik olib bera olmadi. Bola esa tinmay yig'lab, qayta-qayta iltimos qilar edi.

VATAN, MENING SAJDAGOHIMSAN

Voqeiy hikoya

Yozning issiq va osoyishta kunlaridan birida bog'da do'stlarim bilan birgalikda o'ynab yurgan edik. Barcha mevalar g'arq pishgan, yozning qoq chillasi edi. Bog'ni aylanib yurib ulkan o'rik daraxti shoxlari uchida savatdek keladigan qarg'a inini ko'rib qoldim.

Sho'xligim tutib mevalar bilan qarg'a inini nishonga ola boshladim. Buni ko'rib turgan do'stlarim ham menga qo'shilishdi.

Men esa qiziq o'yin o'ylab topganimdan faxrlanib, olma, o'riklardan terib inga otar edim. Bechora ona qarg'a atrofimizda tinmay aylanib, endigina tuxumdan chiqqan polaponlarini himoya qilmoqchi bo'lardi.

Nazarimda ushbu damda polaponlari uchun jonini berishga ham tayyor edi. O'yin ayni qizib turgan paytda, dadam kelib qoldi va bizning bu ishimiz gunoh ekanini aytib, bizga tanbeh berdilar.

So'ngra ushbu voqeani aytib berdi:

"... Rossiyaning Uzoq Sharqidagi Xabarovsk shahrida bo'lganimda, talabalik yillarimda, bozorda bir rus bolasini uchratdim. U 7-8 yoshlarda bo'lib, onasi uning qo'lidan etaklab ketayotgan edi. Bola onasiga "Bir dona bo'lsa ham, o'rik olib bering" — deb xarxasha qilardi. U yerda mevali daraxtlar kamligi tufayli odamlar mevalarning bir donasiga ham zor edilar. Shu sababli o'zbekistonlik bog'bonlar u yerga har xil mevalardan sotgani olib borishardi.

Bechora onaning balki moddiy tomondan imkoniyati yo'qdir, balki boshqa sababi bordir, xullas, o'g'liga o'rik olib bera olmadi. Bola esa tinmay yig'lab, qayta-qayta iltimos qilar edi.

Shunda o'sha yerdagi o'rik sotuvchilaridan biri bolaga har xil mevalardan berib uni yupatdi.

Ona esa qanday qilib tashakkur aytishni bilmay quvonib ketdi.

Ko'rdinglarmi, mana shunday mevalarning bir donasiga ham zor, hatto bir umrga ko'rmay o'tgan kishilar ham bor bu dunyoda. Sizlar mana shunday jannatmakon, hur diyorda yashayotganingizdan faxrlanib, uning har bir bo'lagini avaylab-asrashingiz kerak.

Vatanimizning har bir qarich yerini munosib himoya qilb, kelgusi avlodlarga bundan-da go'zalroq, bundan-da maftunkorroq tarzda yetkazmog'ingiz lozim. Ona qarg'aga qarang, polaponlarini, inini qanday avaylab asraydi.

Vatan — ostonadan boshlanadi, — deb shunga aytishganda.

Nafaqat qarg'alar uchun, balki yer yuzidagi barcha mavjudotlar uchun ham farzand azizdir.

Onalar doimo farzandlaridan jonlarini ham ayamaydilar. Ular uchun eng katta baxt — farzandlar sog'ligidir. Bizlar ana shunday jannatmakon diyorning, ana shunday onalarimizning qadriga yetaylik, zero — "Jannat onalar oyog'i ostidadir", bolam." Dadamning ushbu hikoyalaridan so'ng, men "Vatan" nimaligini tushunib etdim.

Qishlog'imiz ko'rkiga ko'rk qo'shmoq niyatida, do'stlarim bilan birgalikda gullar ekdim, ko'chatlar o'tqazdim. Shunda mening hayolimdan Bobur Mirzoning Andijon qovunini sog'inib yig'lagani kechdi. Yo'q, Bobur Mirzo qovunningmas, vatanning dardida ko'z yosh to'kkan, vatanni sog'inib yig'lagan, vatan hajrida she'rlar bitgan.

Vatanning har bir ne'mati biz uchun muqaddas, har zarra tuprog'i oltinga tengdir.

Nodirbek RAHIMOV,
Shofirkon tumanidagi 24-maktab o'quvchisi



BAHOR

Bahor xuddi oppoq qush,
Ko'zim ochsam ekan tush.
Hali qorlar erimay,
Turgan ekan zerikmay.

Men esa qordan bezor,
Bahorga men intizor.
Qorlar to'xtaydi bir kun,
Buni kutay tunu kun!

Munisa QOBILOVA,
Sobir Rahimov tumanidagi
326-xalq amaliy
san'ati maktab majmuasi
7-sinf o'quvchisi

KOVUSHNING DEGANI

E'tiborsiz turaman,
Meni hech kim kiymaydi.
To'rda turar tufli — xon.
Meni hech kim sevmaydi.
Sovuq tushsa to'satdan.
Bir kuniga yararman.
Qaramasdan yig'latgan,
Yo'lingga intizorman.

Sarvinoz JO'RAEVA,
Sirg'ali tumanidagi
300-litsey-maktabning
6-sinf o'quvchisi

BOBOM O'GITLARI

Bobom o'git aytardi,
Meni sevib, ertalab.
Yaxshilik qilgin, derdi,
Shirin so'z-la erkalab.

Haq yo'ldan yurgin doim,
Noraso yo'lga kirma.
Qilmasang yaxshilik gar,
Yomonlik ham hech qilma.

Poyoniga yetganda,
Umring tugaydi albat.
Ortiq dunyo foydasiz,
Yaxshilik yashar faqat.

Bobomning o'gitlarin,
Doim yodda saqlayman.
Hayotim davomida,
Ishonchini oqlayman.

Hilola TO'YCHIYEVA,
Samarqand tibbiyot
kolleji o'quvchisi

NURBEKNING KUCHUKCHASI

Do'mbaloqlar oshadi,
Erkaligi toshadi.
Keng hovlida bir o'zi
Tinmay o'yin tushadi.

Peshonasi oppoqqina,
O'zi qora, do'mboqqina,
Sakrab-sakrab quvnaydi,
Dumin quvlab o'ynaydi.

O'zi juda o'yinqaroq,
Qiliqlari sho'x quvnoq,
Egasiga chinakam do'st,
Jajjigina shirin-do'mboq.

CHUMOLIJON

Chumolijon, chumoli,
Kechir meni, jonajon.
Do'stim, seni bilmasdan
Xafa qilib qo'ydim men.
So'z beraman hech qachon
-
Ranjitmayman men seni.
Bundan buyon ikkalamiz
Qadrdon do'st bo'lamiz.
Tengdoshlarimizga ham
Biz namuna bo'lamiz.

Mavjuda KARIMOVA,
Qumqo'rg'on tumanidagi
31-maktabning 7-sinf o'quvchisi

BUNDAN ORTIQ BAXT BORMI?

Dunyoda tinchlik bo'lsa,
Qalbimiz zavqqa to'lsa,
Quyosh charaqlab tursa,
Bundan ortiq baxt bormi?

Vatanni kuyga qo'shib,
Kuylasak go'zal qo'shiq,
O'ynasak jo'shib-jo'shib,
Bundan ortiq baxt bormi?

Istiqlolni kuylasak,
Yaxshilikni o'ylasak,
Orzulardan so'ylasak,
Bundan ortiq baxt bormi?

Mohigul QOSIMOVA,
Qamashi tumanidagi
A.Qodiriy nomidagi
28-maktabning 8-sinf o'quvchisi

BOLALIK

(Zanjir qofiya)

Bolalik qalbimning nidosi edi,
Edi u yuragim sho'xchan sadosi.
Sadosi jahonni titratar edi,
Edi u ko'klamning oshiq shaydosi.

Shaydolik o'zi bu muhabbat demak,
Demak u dunyoda yashaydi boqiy.
Boqiy umrga kerak otashli yurak,
Yurak ko'z yoshlarga bir saxiy sohiy.

Navro'z HASANOV,
Oqdaryo tumanidagi
2-maktab o'quvchisi

BINAFSHA

Tog'larda tebranar hayot quvonchi,
Shabboda dastidan silkinar yaproq.
Ochilib bo'y cho'zar qirda boychechak,
Binafsha rangida gullaydi oppoq.

Ona yer bag'rida qoniqib olib,
Quyoshning nuridan bahra oladi.
Ezgulik yo'lida tursa ochilib,
Go'zallik elchisi bo'lib qoladi.

Umida KARIMOVA,
Kattaqo'rg'on tumanidagi
27-maktab o'quvchisi

ORZU

Men bir go'zal bog' yaratsam,
Bulbul xumor kuylasa.
Shunday toza qalb yaratsam,
Dillar tavof aylasa.

Jo'shib-jo'shib she'rlar yozsam,
Unda yurak so'zlasa.
Yozganlarim ko'ngil yoshin,
Artmoqlikka yarasa.

Nurjahon USMONOVA,
Navoiy shahridagi
8-maktabning 7-sinf o'quvchisi

MEHNAT — TAGI ROHAT

Bir chumoli mitti jon,
chopadi u yon-bu yon.
Yukni demay kattakon,
uychasiga tashir don.
Ketma ket ishlar ular,
qish g'amini yozda er.
Mehnatdan hech tolmaydi,
"Mehnat taqi rohat", — der.

Faxriddin BEGMATOV,
Hamza tumanidagi 255-maktabning
5-sinf o'quvchisi

ONAMGA

Onajon, mehringni qo'msayman har dam,
Seni bir ko'rmasam ko'nglim hech to'lmas.
Agar ko'zlaringda ko'rar bo'lsam nam,
Bu dunyoda mendan baxtsiz bo'lmas.

Qo'limda surating, ko'zlarimda nam,
Garchi yiroqdaman, vujudingdaman.
Har tong eslaysan meni bilaman,
Onajon, seni sog'indim men ham.

Ne derdim baxtimga omon bo'lsang bas,
Sening duolaring qo'llasin meni.
Bag'ringga zafarlar eltsam ajabmas,
Dunyoda men faqat sevaman seni!

Nigora KARIMOVA,
Baliqchi tumanidagi 7-maktabning
11-sinf o'quvchisi

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-386.
Тиражи 27200. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Камолиддин АЛИОХУНОВ.
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(м) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00